

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”  
“Диншунослик ва жаҳон  
динларини қиёсий ўрганиш  
ЮНЕСКО” кафедраси мудири  
\_\_\_\_\_ т.ф.н., доц.  
Н.Мухамедов «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_  
2012 йил

**ДАМИНОВ БАХОДИР ИБРОҲИМЖОНОВИЧ**

**Мавзу: ДИНИЙ-КОНФЕССИОНАЛ ВА ЭТНИК ЖАМОАЛАРНИНГ  
ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИ**

Таълим йўналиши: 5220400 – Диншунослик

Бакалавр даражасини олиш учун тақдим этилган  
битирув малакавий иши

Илмий раҳбар: ўқит. Ж. Нажмиддинов  
Такризчи: т.ф.н., доц. Э. Ибрагимов

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ЭТНИК ВА ДИНИЙ ЖАМОА: ИККИ СОЦИАЛ ФЕНОМЕННИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>9</b>
1.1.Этник жамоа ва унинг характерли жиҳатлари.....	9
1.2.Конфессионал жамоа тушунчаси ва унинг этник хусусиятлар билан ўзаро таъсирлашуви.....	27
<b>II БОБ. ДИНИЙ-КОНФЕССИОНАЛ ВА ЭТНИК ОМИЛЛАР ДИАЛЕКТИКАСИНИНГ ЖАҲОН ДИНЛАРИ АРЕАЛИДА НАМОЁН БЎЛИШИ.....</b>	<b>37</b>
2.1.Буддавийликнинг маҳаллий кўринишлари пайдо бўлишидаги этник омиллар.....	37
2.2.Христианлик этнолокал шаклларининг юзага келиш хусусиятлари.....	53
2.3.Ислом дини доирасида юзага келган этноконфессионал жамоалар.....	56
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>62</b>
<b>Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>67</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Инсоният тарихи у нафақат давлатлар, буюк шахслар ва ойлар тарихи, балки, халқлар тарихи ҳам ҳисобланади. Кишилар бир неча минг йиллик фаолият мобайнида давлатларга асос солганлар, улар орасида буюк арбоблар етишиб чикқан, кўплаб маданиятлар ва тилларни яратиб, шарафли ишлар ва жангу жадаллар қилганлар. Шунингдек, улар буюк кашфиётлар яратганлар, қахрамонликлар ва аксинча фожеали ишларни амалга оширганлар<sup>1</sup>. Қолаверса, одам биологик мавжудот-табиатнинг бир қисми сифатида кишилик жамиятидаги эволюцион тараққиёт натижасида ҳамда ижтимоий омилларнинг таъсири туфайли муайян ижтимоий гуруҳлар ва жамоаларга бўлинади. Мана шундай асосий жамоалардан бири фанда этнос деб аталади.

Инсон ҳаёти давомида этносга турли ҳил омиллар таъсир кўрсатади. Бизга маълумки, шундай муҳим омиллардан бири диндир. Диншунослик куршаб олган атроф-муҳитдан ташқарида бўлган, уни ва коинотдаги барча нарсаларни яратган, айни замонда инсонларга тўғри, ҳақиқий, одил ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий борлиққа ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қараш, таълимотдир<sup>2</sup>. Имон-этиқод инсон билан вужудга келган, доимо мавжуд бўлган диннинг асосидир. Инсон ўзининг барча ақлий, руҳий, маънавий, маданий, маърифий шахсиятини намоён этиши дин билан боғлиқдир<sup>3</sup>.

Динларни ўрганишда муайян мезон асосида тасниф этиб, тадқиқ этиш зарур. Фанда диннинг ривожланишига таъсир этувчи тарихий, жуғрофий, этник ёндашувлар мавжуд у диннинг эътиқодий асоси, асл мақсадининг ҳар томонлама мукамал ўрганилишига замин яратади.

Биз яшаётган она заминда турли-туман халқлар ўзларининг миллий-этник маданияти ва анъаналари билан бошқалардан ажралиб туради. Ўз

<sup>1</sup> Қаранг: А. П.Садохина. Этнология. Учебник для высших учебных заведений. –Москва: Под ред, 2000. с 65.

<sup>2</sup> Қаранг: Мўминов А, Йўлдошўжаев Х, Раҳимжонов Д, Комилов М, Абдусатторов А, Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. –Тошкент: Меҳнат, 2004.11Б.

<sup>3</sup> Қаранг: Верданский В.И. Очерки и речи. –Питербург: Наука, 1992. С. 2-15.

навбатида, ҳар бир этник бирлик ўзига хос шаклланиш ва этник ривожланиш тарихига эга. Академик Н.И.Конрад таъбири билан айтганда: “... ҳар бир халқ сон жиҳатидан катта ёки кичик бўлишидан қатъи назар, такрорланмас хусусиятларни ўзида мужассам этган, ўзига хос тарихга эга. Ҳатто айтиш мумкинки, инсоният тарихи кичик халқлар тарихидан ҳам ибтидо олади”.

Турли халқ ва миллатлар маданияти тараққиётини диний омилнинг таъсиридан холи равишда тасаввур этиб бўлмайди. Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганларидек: *“Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган зоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир”<sup>4</sup>.*

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, дин ва этник жамоани айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Қачонки дин ва этник жамоа бир бирини тўлдирмас экан, юртда тинчлик ҳам, ривожланиш ҳам бўлмайди. Бунга мисол тариқасида бугунги кунда дунёда юз бераётган воқеаларни келтиришимиз мумкин. Бугунги глобаллашув шароитида вужудга келаётган турли миллатлараро низолар, келишмовчиликлар ва бошқа турдаги кўнгилсиз воқеалар деярли дунёдаги барча давлатларни ташвишга солаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Алатта, бу каби ҳолатлар Марказий Осиё минтақасини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бунга мисол тариқасида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Фарғона водийсида бўлиб ўтган Месхети турклар ва ўзбеклар ўртасидаги воқеалар, ўзбек ва қирғиз каби қардош миллатларнинг бир-бирига ёмон муносабатда бўлиши, шунингдек, кўшни Қирғизистон Республикасида 2010 йил июнь ойида бўлиб ўтган қонли низоларни келтиришимиз мумкин. Шундай экан, миллатлараро тотувликни таъминлашга катта эътибор қаратишимиз лозим. Бизнинг юртимизда ҳам кўп миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишади.

<sup>4</sup> Қаранг: И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. Б. 36.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг бу каби масалаларга эътибор кучайди. Жумладан, президентимиз И.Каримов миллатлараро тотувлик масаласига тўхталар эканлар, қуйидаги сўзларни айтадилар, **“Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги, ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат”**<sup>5</sup>. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, юрт равнақ топиши учун, аввало, миллатлараро тотувлик таъминланмоғи лозим.

Бугунги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, шунингдек, 16 та диний конфессионал жамоалар ўз фаолиятларини олиб бормоқда<sup>6</sup>. Бу албатта юртимизда мазкур масалага катта эътибор қаратишимиз кераклигини кўрсатади.

Бутун дунёда миллий ва диний (конфессионал) алоқаларнинг ўзаро инқирозга учраши бугунги кунга келиб бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу каби зиддиятларни бартараф этиш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Миллий ва конфессионал муаммолар аввалдан мавжуд бўлиб, жамият ва давлат муносабатлари кўринишида ривожланиб борган. Шундай экан, дин миллатларни вужудга келишида, дунё халқларининг маданий анъаналарини, уларнинг турли урф-одатларини ривожланишида доимий равишда ўзининг таъсирини кўрсатиб келган.

Дин миллатнинг шаклланишида, дунё халқлари маданиятининг ривожланишида ҳар доим ҳам муҳим роль ўйнаган. Ўз навбатида этник ва диний конфессионал жамоаларнинг ўзаро алоқаларига қаршилик ҳам қилган. Бундан келиб чиқадики, дин ва этник жамоанинг бир-бири билан алоқаси давлатнинг миллатлараро ва конфессиялараро муносабатларни тартибга солишида муҳим вазифани амалга оширади.

<sup>5</sup> Қаранг: И.Каримов. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000. Б.24.

<sup>6</sup> Қаранг: А.Мўминоа. Ҳ. Йўлдошхўжаев, Д. Раҳимжанов, Диншунослик. -Тошкент: “Меҳнат”, 2004. 245 б.

Инсоният тарихидан маълумки, конфессионал ҳамда этник жамоалар ўртасида маълум тўқнашувлар бўлиб ўтган. Шунингдек, этник муаммолар конфессионал ва этник жамоаларнинг бирлашишига йўл қўймаганлигига ҳам гувоҳ бўламиз. Бундай келишмовчиликлар, айниқса, давлат бошқарувида этник жамоа таркибига, яъни миллатга жиддий таъсир ўтказган. Бунга мисол тариқасида Россия Федерациясида содир бўлган Шимолий Кавказ муаммосини келтиришимиз мумкин.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда юртимизда этнология фани бўйича бир қатор олимлар ўз илмий тадқиқотларини олиб боришган ва олиб боришмоқда. Уларнинг изланишларини самараси ўларок қатор монографиялар ва рисоалар чоп этилди. Улар қаторига И.Жабборов<sup>7</sup>, А.Аширов ва Ш. Атаджанов<sup>8</sup> каби тадқиқотчиларнинг ўзбекларнинг оилавий турмуш анъаналари, тўй тантаналари, дафн маросимлари ҳамда миллий қадриятларига оид тадқиқотлари, Исмоилов<sup>9</sup>. Бундан ташқари К. Шониёзов<sup>10</sup> ва бошқа этнограф олимларни ҳам келтиришимиз мумкин.

Лекин айтиб ўтганимиздек, юқоридаги тадқиқотлар этнология соҳасида олиб борилган. Этнос ва дин, этнология, этноконфессионал жамоалар борасида эса бугунги кунгача етарли даражада изланишлар олиб борилмаган. Шу сабабли ҳам бу соҳа юртимизда янги ҳисобланади.

Бу мавзу юзасидан хорижда, хусусан, Европада кўплаб ишлар амалга оширилган. Уларнинг дастлабкилари XX асрнинг бошларида бошланиб XXI асрда ҳам давом этмоқда. Бу борада бир қатор олимлар ўзларининг илмий изланишларини олиб боришмоқдалар. Булар қаторига Россиялик Газданова. В.С<sup>11</sup>, Кудрявцев. М.К<sup>12</sup>, Козлов В.И<sup>13</sup>, Гумилев Л.Н<sup>14</sup>, Н.Яблоков<sup>15</sup> каби олимлар конфессионал ҳамда этник жамоаларнинг ҳарактерли жиҳатлари

<sup>7</sup> И.Жабборов. Ўзбеклар анъанавий турмуши ва маданияти- Тошкент: 2004,

<sup>8</sup> А.Аширов, Ш. Атаджанов. Этнология (ўқув қўлланма). -Тошкент.: “Медиянашр”, 2007.

<sup>9</sup> Исмоилов. Ўзбек тўйлари- Тошкент: 1994

<sup>10</sup> Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни / “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003.

<sup>11</sup> Газданова В.С. Осетины // Энциклопедия культур народов Юга России: В 9 т. Т.1 Народы Юга России. -Ростов.: Издательство СКНЦ ВШ, 2005.

<sup>12</sup> Кудрявцев. М.К. Мусулманская касты (Кас-ты Индии). -Москва.: Наука, 1965.

<sup>13</sup> Козлов В.И, Этническая общность // Большая Советская энциклопедия. -Москва.: Изд. 3-е. 30, 1978.

<sup>14</sup> Гумилев Л.Н. Этносфера: история людей и история природы. -Москва. Экопрос, 1993.

<sup>15</sup> Яблоков И.Н. Религиоведение. -Москва.: "Гидрарики", 2000.

каби бошқа мавзуларда ўз тадқиқотларни амалга оширилганлар. Лекин бу тадқиқотлар на диншинос ва на социолог сифатида ўрганилмаган. Юқоридаги изланишларни икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

- 1) этнос, этник маданият, урф-одат ва бошқалар
- 2) этнос ва дин<sup>16</sup>.

Бундан ташқари яна европалик бошқа мутахассисларни ҳам келтириб ўтсак Тишков В.А<sup>17</sup>, Braker Н<sup>18</sup>, Barth F<sup>19</sup>, С.М.Широкогородов<sup>20</sup>. С.А. Токарев<sup>21</sup>, Ю.В. Бромлей<sup>22</sup> ва бошқалар.

**Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари.** Тадқиқотнинг асосий мақсади конфессоинал ва этник жамоа элементларининг ўхшаш жиҳатларини аниқлаш, уларни таққослаш, икки феноменнинг ўзаро алоқасига таъсир этадиган асосий омил, айти вақтда, бу жамоаларнинг бири-бирдан фарқли жиҳатларини аниқлаш ҳамда ўзаро муносабатлар пайтида диннинг этник жамоага таъсири қанчалик даражада-ю, этник жамоанинг динга таъсири нечоғлик эканлигини ўрганишдан иборат. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, дин этник жамоага кўпроқ таъсир этадими, ёки аксинча, этник жамоа динга кўпроқ таъсир этадими каби бошқа саволларга жавоб топишни мақсад қилинган.

Юқорида битирув малакавий иши олдида қўйилган мақсадлар қуйидаги вазифаларни келтириб чиқаради:

- Дин ва этник жамоаларнинг ўзаро алоқаларидаги умумий муаммоларни аниқлаш ва уларнинг асосий шаклини тасвирлаш;
- Диннинг типологик ва унинг турли хил конфессиялар даражасида дунё халқлари орасида тарқалиши ва этник жамоа билан алоқаси;

<sup>16</sup> Қаранг: Петренко. Сергей. Петрович. Конфессиональная и этническая общности: философско-культурологический анализ (Дисертация на саискание ученой степени кандидата философский наук). -Дону: Ростовна, 2007. с 5.

<sup>17</sup> Тишков В.А. Единство и многообразие культур // Народы и религии мира. Энциклопедия. -Москва: «Большая Российская энциклопедия». Научное изд-во, 1999.

<sup>18</sup> Braker Н. Religionsproblematik und Nationalitätspolitik. Berichte des Bundesinstituts für ostwissenschaftliche und Internationale. -Köln: Studien, 1972.

<sup>19</sup> Barth F. Introduction // Ethnic Groups and Boundaries: The Social Organisation of Wture Difference / Ed de F.Barth Bergen. -London: Oslo, 1969.

<sup>20</sup> Широкогородов СМ. Этнос. Исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений. - Шанхай.: «Сибпросс», 1923.

<sup>21</sup> Бромлей Ю.В.Современные проблемы этнографии. Очерки теории и истории. -Москва: Наука, 1981.

- Этник жамоага берилган таърифлар ва унинг шаклланиш белгиларини таҳлил қилиш;
- Конфессия ва конфессионал жамоа терминини юзага келиши ва ҳарактерли жиҳатларини белгилаш;
- Конфессионал жамоани этник жамоа билан таққослаш;
- Конфессионал ва этник жамоаларнинг белгилари ва у икки феномен даражаларининг мос келиши (ёки мос келмаслиги);
- Этноконфессионал жамоаларнинг ривожланишини ҳарактерли белгиларини мисолида кўрсатиб, жамоанинг ривожланиш жараёнида дин икки фактор ўртасида қанчалик муҳим роль ўйнаши каби бошқа вазифалар.

**Тадқиқот натижаларининг аҳамияти.** Битирув малакавий ишининг натижалари Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида дин омилининг ўзига хос ўрнини янада яққолроқ кўрсатади. Мамлакатимизда сиёсий, маънавий, иқтисодий соҳалардаги туб ўзгаришлар учун замин яратиш ва бу ўзгаришларни амалга ошириш, ижтимоий ҳаётда дин ва диний бағрикенгликнинг аҳамияти кучайиб бораётгани назарий жиҳатдан ёритилади. Бу мавзу юртимизда бирмунча ўрганилмаган бўлганлиги боис, уни ўрганиш давомида дин ва этник жамоанинг бир-бири билан алоқасини аниқлаш имконини беради.

**Битирув малакавий ишининг таркиби.** Битирув малакавий иши кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

# І БОБ. ЭТНИК ВА ДИНИЙ ЖАМОА: ИККИ СОЦИАЛ ФЕНОМЕННИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

## 1.1. Этник жамоа ва унинг характерли жиҳатлари

Маълумки, дин азалдан нафақат алоҳида олинган инсонлар, балки, ижтимоий бирликлар ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутиб келган. Диннинг этник бирликлар шаклланиши ва ривожда муҳим ўрин тутиши ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Динларни ўрганишда муайян мезон асосида тасниф этиб, тадқиқ этиш зарур. Фанда диннинг ривожланишига таъсир этувчи тарихий, жуғрофий, этник ёндашувлар мавжуд. Бу ёндашувлар, диннинг эътиқодий асоси, асл мақсадини ҳар томонлама мукамал ўрганилишига замин яратади.

Илмий адабиётларда, умумий маънода, “этнос” деб юритилувчи термин пайдо бўлганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин алоҳида кишилар гуруҳини англатувчи термин сифатида фақатгина XX асрнинг иккинчи ярмига келиб этногенез ва этник тарих, умуман, этник жараёнларга қизиқишнинг кучайиши натижасида янада кенгроқ илмий истеъмол доирасига кирган<sup>23</sup>.

Шубҳасиз, мазкур ибора бугунги кунга келиб ижтимоий фанлар тизимида ўзининг муносиб ўрнини топди, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳозирда ушбу атамани нафақат этнологлар, балки, файласуфлар, тарихчилар, сиёсатшунослар, социологлар, психологлар ва хатто иқтисодчилар ҳам доимий равишда кенг қўлламоқдалар<sup>24</sup>.

XVIII асрнинг охирига қадар этнос атамаси ниҳоятда чегараланган ҳолда қўлланган. Фақат XIX асрдан бошлаб «этник бирлик» ва «этнос» тушунчаси ишлатила бошланди. XX асрдан бошлаб россиялик этнограф олимлар ушбу термин ўрнига «халқ», «миллат», «қабила» ва «ирқ» каби сўзларни ишлатиб келишган.

Этник жамоа ва унинг характерли жиҳатларига тўхталиб ўтишдан олдин, аввало, этносга тегишли бўлган бир қатор атама(этнос, этник бирлик, этник жамоа, этник гуруҳ)ларни ўрганиб чиқсак мақсадга мувофиқ бўларди.

<sup>23</sup> Қаранг: А. П.Садохина. Этнология. Учебник для выших учебных заведений. -Москва: Под ред Наука, 2000. с 56.

<sup>24</sup> Қаранг: Рибиков С.Е. Философия этноса. –Москва: Наука, 2001. с 5.

Бир қатор энциклопедик луғатларда этнос сўзига турлича таърифлар берилган бўлиб, уларни кўриб чиқсак.

Этнос- «юн ethnos» сўзидан олинган бўлиб, элат, халқ деган маънони билдиради. Этнографияда эса уруғ, қабила, элат, халқ, миллат этнос деб юритилади<sup>25</sup>.

Этнос – бу кишиларнинг маълум бир тарихий даврда ва ижтимоий тузумда таркиб топган алоҳида барқарор этник жамоасидир<sup>26</sup>.

Хулоса қилиб этносга таъриф берадиган бўлсак— «этнос» деганда муайян тарихий шароитлар сабабли бир ҳудудда шаклланган, умумий маданий (жумладан, тил) ва психик қирраларга, ўзининг бошқалардан фарқ қилиши ҳақидаги ҳиссиётга ва ўзгалардан ажратиб турувчи ном (этноним)га эга бўлган кишилар бирлиги тушунилади<sup>27</sup>.

Энди эса этник бирлик терминига кенгроқ тўхталиб ўтсак. Этник бирлик— бу этнографик жиҳатдан «халқ» маъносини англатсада, лекин унга нисбатан аниқроқ тушунчадир. Этник бирлик муайян шароитда табиий-тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келган уюшмадир<sup>28</sup>. Фанда этник бирлик босқичининг уч тури мавжуд: *қабила*, *элат*, ва *миллат*. Кетма-кет алмашиб келган бу атамалар турли вақтларда вужудга келган бўлиб, улар ўз даврига хос хусусиятлар билан бир-биридан фарқ қилади. Кишилар бирлашувининг табиий негизи – ҳудуд умумийлиги, шунингдек, улар тилининг яқинлиги ёки умумийлиги этник бирликнинг вужудга келишида асосий шарт ҳисобланади<sup>29</sup>. Масалан, Америка қитъасидаги миллатларнинг таркиб топишида этник бирликнинг турли тилларга мансуб компонентлари ўртасида ҳўжалик, маданий ва бошқа соҳаларидаги алоқаларнинг ривожланиши билан тил умумийлиги қарор топган. Бу жараённи бошқаришда ижтимоий-иқтисодий омиллар ва табиий муҳитнинг алоҳида

<sup>25</sup> Қаранг: Аширов. А, Атажанов. Ш.Этнологий (ўқув қўлланма). –Тошкент: “Медиянашр”, 2007. 72.б.

<sup>26</sup> Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни / “Ўзбекистон миллий энциклопедиаси”. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003. 282 б.

<sup>27</sup> Қаранг: Бромлей Ю.В.Современные проблемы этнографии. Очерки теории и истории. -Москва: Наука, 1981. С 27.

<sup>28</sup> Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни / “Ўзбекистон миллий энциклопедиаси”. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003. 282 б.

<sup>29</sup> Қаранг: Ўша китоб. 282 б.

хусусиятлари таъсирида моддий ва маънавий маданият, турмуш ва психологик умумийликнинг этник бирлик учун характерли бўлган белгилари шаклланади. Бу элементлар худуд ва тил билан бир қаторда этник бирликнинг муҳим белгилари ҳисобланади.

Баъзан этник бирликнинг шаклланишига диний муштараклик, шунингдек, ирқий жиҳатдан яқинлик ҳам муҳим таъсир кўрсатади. Бундай яқинлик этник бирликка кирган ва бир-биридан кескин фарқланадиган ҳар хил ирқий компонентлар орасидаги метис гуруҳларнинг ҳосил бўлишида ҳам вужудга келади (масалан; бразилиялик, кубалик ва б.). Шаклланиб бўлган этник бирлик яҳлит ижтимоий организм бўлиб, этник жиҳатдан ҳар хил бўлган никоҳлар туфайли ва наслдан наслга тил, маданият, анъаналар ва бошқаларнинг ўтиб бориши йўли(билан) барқарор тус олади. Янада барқарорлик бўлиши учун ўзининг ижтимоий-сиёсий ҳамда худудий ташкилотини тузишга ҳаракат қилади. Аммо вақт ўтиши билан этник бирликнинг айрим қисmlари худудий жиҳатдан ажралиб кетиш, турмуш ва маданиятининг кўп томонларини ўзлаштириш ва бошқа тилни қабул қилиши ҳолатлари ҳам учрайди.

Кишилиқ жамияти ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг маълум бир босқичида қабилалар уюшмаси ҳисобланган этник бирлик маълум бир тарихий шароитда, худудий, иқтисодий, тил ва маданий умумийлик асосида шаклланади ва янги тури вужудга келади. Қадимги даврларда вужудга келган янги этник бирликни ифодалаш учун «элат» атамаси қабул қилинган. Элат—бу этник бирлик босқичининг қабила уюшмасидан кейинги туридир. Тарихий тараққиёт давомида эса этник бирликнинг кейинги тури — миллат шакллана боради.

**Этнографик гуруҳ** (русча — этнографическая группа). Этнология фанида этнос атамаси билан бирга «этнографик гуруҳ» (суб этнос), этник гуруҳ иборалари ҳам кенг қўлланилади<sup>30</sup>. Этнографик гуруҳ—маълум бир этноснинг (элатнинг ёки миллатнинг ажралмас қисми, унинг таркибидаги

<sup>30</sup> Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни / “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. — Тошкент : Давлат илмий нашриёти, 2003. 282 б.

бўлинмалардан бири) қисми бўлиб, ўзининг айрим хусусиятлари: тил лаҳжаси, хўжалик фаолияти ва турмуш тарзининг баъзи томонлари билан фарқ қилади. Этнографик гуруҳ одатда бир қабила, элат ёки миллат этник худудининг кенгайиши, яъни бир гуруҳнинг иккинчи бир халқ билан аралашиб, бошқа ерга бориб, шу ердаги халқ таркибига кириб, у билан бирга яшаб қолиши натижасида вужудга келади. Масалан, октябрь тўнтаришидан олдинги даврда ўзбеклар таркибидаги қипчоқлар, қурамалар этнографик гуруҳ ҳисобланган. Этнографик гуруҳ баъзан ўз элидан, халқидан ажралиб, бошқа бир этник бирликка қўшилиши натижасида ҳам вужудга келган. Бу хилдаги этносларнинг катта қисми асрлар давомида ўз хусусиятини сақлаб келиб(қолгани ҳолда), маҳаллий халқ орасида яшаб, уларнинг урф-одатлари ва маданиятини қабул қилиб, аста секин унга аралашиб борган. Аммо уларнинг маълум қисми ўз тилини, ўзлигини ва моддий маданиятларидаги баъзи хусусиятларни сақлаб қолганлар. Бунга мисол сифатида ўзбеклар таркибидаги араблар, эронийларни кўрсатиш мумкин. Энди эса этник гуруҳ терминига тўхталиб ўтсак.

**Этник гуруҳ**—(ингл—групп) муайян бир халқ (қабила, қабила иттифоқи, элатнинг)нинг парчаланиб алоҳида қисмларга бўлиниб кетиши натижасида вужудга келадиган гуруҳдир<sup>31</sup>. Этник гуруҳни қуйидагича изоҳлаш мумкин: ўз халқидан ( қабила, элат) ажралиб чиққан гуруҳ ва бошқа халқлар таркибига кириб, узоқ муддат яшаб, шу халқнинг тили, хўжалик фаолияти, урф-одатлари, турмуш тарзини қабул қилиб, унга батамом сингиб, ўзларини шу халқ этник номи билан атайдиган бўлиб қолади. Аммо шу билан бирга бу гуруҳ ўз этник номини ўтмишда қайси қабила, элатга мансуб эканлигини, баъзи анъаналарини сақлаб қолган бўлади, холос<sup>32</sup>.

Этнографик гуруҳдан этник гуруҳнинг фарқини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ўз халқи(қабиласи, элати)дан ажралиб чиққан гуруҳ бошқа халқ таркибига кириб, узоқ муддат яшаб, шу халқнинг тили, хўжалик фаолияти, урф-одатлари, турмуш тарзини қабул қилиб, унга батамом сингиб, ўзларини

<sup>31</sup> Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни / “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003. 282 б.

<sup>32</sup> Қаранг: “Ўша китоб. 282 б.

шу халқ номи билан атайдиган бўлиб қолади. Аммо, шу билан бир қаторда, бу гуруҳ ўз этник номини ўтмишда қайси қабила, элатга мансуб эканлигини ҳамда баъзи анъаналарини сақдаб қолган бўлади. Масалан: қипчоқлар XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида ўзбек халқи таркибида (ўз лахжалари, турмуш тарзи, маданий ҳаётидаги баъзи хусусиятлари-ни сақлаб қолганликлари туфайли) этнографик гуруҳ бўлган бўлсалар, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, бошқирд ва бошқа халқлар таркибида улар (қипчоқлар) этник гуруҳ ҳисобланган. Шунга ўхшаш, қанғли, уйшун ва бир қатор бошқа уруғлар ҳам юқорида номи қайд этилган халқлар таркибида мавжуд бўлган. Булар ўз этник номларини қайси халқ орасида яшасалар, ўша халқ (қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, бошқирд ва бошқалар) номлари билан атаганлар.

Ажралиб чиққан этник қисм, бошқа этносларга қўшилмасдан, ўзи мустақил этник гуруҳ бўлиб қолиши ҳам мумкин. Вақт ўтиши билан унинг таркибига айрим қипчоқ бўлмаган этник гуруҳлар қўшилиб, йирик қабила иттифокни ташкил қилади. Бунга XIII-XIV асрларда Дашти Қипчоқда яшаган қипчоқ этник гуруҳи мисол бўла олади.

Таниқли этнограф олим К. Шониёзовнинг таъкидлашича, қипчоқ этносининг асосий ўзагидан ажралиб чиққан гуруҳлардан бири қорақалпоқ, қанғли ва бошқа этник гуруҳларни ўз таркибига қабул қилиб, йирик иттифокни ташкил қилган эди.

Вақт ўтиши билан этник бирлик кишиларининг бир қисми ажралиб, бошқа ер ва табиий муҳитга бориб ўрнашиб, шу жойдаги этносга қўшилиб, турмуш тарзини бирмунча ўзгартириб, ерли халқнинг тилини қабул қилиб унга аралашиб қолиши ҳоллари ҳам кам бўлмаган. Агар шунга ўхшаш этник гуруҳ бошқа халқ таркибига кириб, этник бирликнинг асосий шартларидан бири бўлган этник номини (этнонимини) ва баъзи бошқа белгиларини сақлаб қололса, унда бундай этник гуруҳ ўзининг биринчи этник бирлигига тааллуқли бўлади. Вақт ўтиши билан бошқа этник уюшмага кирган этник гуруҳ, ўз тили, маданияти, ўзлигини батамом унутиб юборган тақдирда, бундай гуруҳ (олдингидан) бошқа этнос кишилари бўлиб қоладилар.

Бошқача қилиб айтганда, маълум этник гуруҳ аввалги этник бирлигидан ажралиб, мутлақо бошқа этник бирлик таркибига кириб, унга сингиб, ўзларини шу этнос (қабила, элат, миллат) кишилари ҳисоблайдилар. Мисол учун ҳалаж қабиласини олайлик. Бу қабиланинг асосий қисми илк ўрта асрларда Еттисувда яшаган. Милодий VII-VIII асрларда уларнинг маълум қисми ажралиб, ҳозирги Афғонистон ҳудудига бориб ўрнашган. Вақт ўтиши билан улар бу ҳудуд аҳолиси тили, урф-одатлари, турмуш тарзини қабул қилиб, ўз этник номларини унутиб, XIII асрдаёқ бошқа ном билан гилзой деб аталадиган бўлиб қолган.

Айрим этник гуруҳлар бошқа этник бирлик таркибига кириб, унга аралашиб, сингиб кетган бўлсалар ҳам, ўз этник номларини асрлар мобайнида сақлаб қолганлар. Қашқадарёнинг ўрта оқимларида можор номи билан аталувчи этник гуруҳ яшаган. Маълумки, можорлар ҳозирги Венгрия давлатининг асосий халқидир. Уларнинг илк аجدодлари угро-фин тилида гапирувчи халқлар бўлиб, Сирдарёнинг қуйи оқимларидаги чўлларда ва Урал тоғ олди районларида яшаганлар. Милодий IX асрда можорларнинг катта бир қисми хазарларнинг сиқувига бардош бера олмай, ғарбга силжиб, ҳозирги Венгрия ҳудудига бориб ўрнашганлар. Бу ерда улар славянлашиб, элат, кейинчалик миллат бўлиб шаклланган. Қадимги ерларида қолганлари эса тил жиҳатидан туркклашиб, татар, бошқирд ва ўзбеклар таркибига кириб, батамом сингиб кетганликларига қарамасдан қадимги этник номларини (можор этнонимини) ҳозирга қадар сақлаб қолганлар.

XX асрнинг 20-йилларида рус олими С.М Широков (1871-1939) томонидан этносга илк бора қуйидагича таъриф берилган эди. Олим фуқаролик урушлари даври келиб, этнос тушунчасини ишлатила бошланганини эътироф этади. Унинг фикрича «Этнос бу—бир тилда сўзлашувчи, келиб чиқиши бир жойга бориб тақаладиган, бошқа халқлардан ташкил топган кўпликдан фарқ қилувчи инсонлар жамоаси»га айтилади, деб

таъкидлайди. Энди эса этнологиянинг асосий тадқиқот объектларидан бири хисобланган этнос ва этниклик масаласига бироз кенгроқ эътибор қаратсак.<sup>33</sup>

Элат бу-миллат шаклланишига сабаб бўлган тарихий жихатдан шаклланиб келган инсонлар умумийлигига айтилади<sup>34</sup>.

Ўтган асрнинг 40-50 йиллар адабиётларида «этнос» тушунчаси ишлатила бошланди. Бунга 1950-60 йилларда бир неча томда нашр этилган «Дунё халқлари, этнографик очерклари» китоби сабаб бўлди. Ушбу китобда «этнос» терминини кенг кўламда қўлланилган. 60-йиллардан бошлаб «этнос» тушунчасига берилган таърифлар ўз аксини топган мақолалар чоп этила бошланди, жумладан, совет энциклопедиясининг учинчи нашрида ҳам бу нарса ўз аксини топди<sup>35</sup>.

Этнология бўйича юртимизда ҳам олимлар ўз изларишларини амалга оширдилар. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этди ва кўплаб муаллифларнинг мазкур муаммо доирасида амалга оширилган тадқиқотлари эълон қилинди. Бироқ, элшунос олим К. Шониёзов ҳақли равишда таъкидлаганидек, мазкур мавзуда истиқлол даврида бажарилган дастлабки тадқиқотларда муаллифлар масалани тўғри қўйган бўлсаларда, лекин этник назарияга эътибор бўлмаганлигидан муаммони тўғри ҳал қилиб бера олмаганлар<sup>36</sup>. Бу борада ўзига хос назарий-методологик қарашларни мужассамлаштирган илк жиддий фундаментал тадқиқот сифатида академик К. Шониёзов тадқиқотларини эътироф этиш жоиздир. Машҳур ўзбек элшунос олими Марказий Осиёдаги этник жараёнларнинг тарихий негизларига асосланиб, ўзбек халқи шаклланиш жараёнига оид жиддий мулоҳазалар ва тарихий асосларга эга бўлган назарий методологик концепциясини ишлаб чиққан тадқиқотчилардан биридир.

<sup>33</sup> Қаранг: С.М. Широкогоров. Этнос. Исследование основных принципов изменения этнических и этнографических членений // Известия восточного факультета Дальневосточного университета. Т.1. -Шанхай. 1923. С. 13.

<sup>34</sup> Қаранг: Народность // Большая Советская энциклопедия. Изд. «Большая Советская энциклопедия». - Москва: Гос. науч.- изд-во 2-е. Т. 29. 1954. С. 159

<sup>35</sup> Қаранг: Козлов В.И., Алексеев Н.Г. Этническая общность // Большая Советская энциклопедия. -Москва: Изд. 3-е. Т. 30. 1978. С. 298

<sup>36</sup> Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Тошкент: 2001. 76.б.

Муаллиф мураккаб этник жараёнлар борасидаги методологик мулоҳазалари ва концептуал қарашларини «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналининг 1996 ва 1998 йиллардаги сонларида эълон қилган «Ўзбек халқи этногенезининг айрим назарий масалалари» ва «Ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг айрим масалалари» номли мақолаларида батафсил баён этган. Академик олим мазкур тадқиқотларда этнос муаммоси билан бирга этнология фанининг назарий-методологик асосини ташкил этувчи этник бирлик, қабила, қабила иттифоқи, элат, халқ, этнографик гуруҳ (субетнос) ва этник гуруҳ, этник жараён каби тушунчаларни биринчи марта ўзбек тилида изоҳлаб берган ва уларнинг асл мазмун моҳиятини этнос назарияси принциплари асосида ёритиб берган.

Академик А. Асқаровнинг фикрича, этнос — бу биологик ҳосила эмас, балки, ижтимоий ҳодисадир. У кишилик тараққиётида маълум бир босқичнинг ҳосиласидир. Этнос ўзининг шаклланиш жараёнида, яъни этногенез босқичида ва ундан кейин ҳам ҳар-хил тарихий сабабларга кўра, унинг таркибига янгидан-янги этник қатламлар қўшилиб боради<sup>37</sup>.

Этнос назарияси борасида машҳур туркийшунос олим Л.Н. Гумилёв эса, аксинча, этнос ижтимоий эмас, балки, биогеографик ҳосиладир. Этнос биосферанинг таркибий қисми бўлгани боис ундаги қонуниятларга бўйсунди, деб таъкидлайди<sup>38</sup>. Шунингдек, айрим муаллифлар (айниқса Л.Н. Гумилёв ва Ю.В. Брошей) этнос — одамлар ижтимоий ҳаётининг бирмунча универсал шакли бўлган ва бўлиб қолади, ҳар бир киши у ёки бу этносга тегишли, деган ғояни илгари сурганлар.

XX асрнинг охириги ўн йиллигида «қабила-элат-миллат» каби тушунчалар «этниклик» терминига ўз ўрнини бўшатиб берди.

90-йилларда Л.Н.Гумилёвнинг совет этнографияси борасидаги назарияси ўзининг юқори чўққисига етди. Охириги 10-15 йил давомида «этнос» тушунчаси тор доирадан кенг доирада қўлланила бошланди. Лекин бугунги кунимизга келиб ҳам этнос тушунчасига аниқ бир таъриф берилгани йўқ.

<sup>19</sup> Қаранг: Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий метадиалогик асослари // Ўзбекистон тарихи. -Тошкент: 2002. №4. -Б.54-60.

<sup>38</sup> Қаранг: Гумилев Л.Н. Этносфера.История людей и история природы. -Москва: 1993. С.41.

Аксинча, худуд бирлиги, келиб чиқиши, иқтисодий ҳаёти ва психологик дунёқараши умумий маданиятида ўз аксини топган бирликдир, деган таъриф кейинчалик кенгайтирилди. Унинг қаторига этник ўзликни англаш, этноним, умумий келиб чиқиш, тарихий бирлик, эндогамия кабилар кўшилди. Этноним ва этник ўзликни англаш тушунчаси этнографларнинг ишларида асосий тушунча сифатида ишлатилган, эндогамия тушунчаси эса унчалик аҳамиятсиз бўлиб, фақатгина баъзи бир олимларнинг ишларида кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун 40 йил олдин этносга берилган таъриф билан кейинчалик берилган таъриф ўртасида катта фарқ бор.

Этнология фанида этносни белгиловчи бир қанча аломатлар мавжуд: худуд, тил, иқтисод, маданият, тарихий қисматнинг умумийлиги, онг сиғими, этноснинг уюшқоқлиги, маълум бир давлат доирасида бўлиши, ўз этник номи (этноними)га эга бўлиши, диний эътиқоднинг умумийлиги ва бошқа шу каби белгилар<sup>39</sup>.

Ўзининг методологик ёндашуви ва тадқиқот аспектидан келиб чиққан ҳолда замонавий фанда этнос билан боғлиқ турли қарашлар ва мактаблар шаклланган. Булар қаторига:

1. Машҳур туркийшунос олим Л.Н. Гумилёвнинг пассионар назарияси.
2. Назариётчи рус академиги Ю.В. Бромлейнинг дуалистик концепцияси.
3. Н.Н. Чебоксаров ва С.А. Арутюновнинг этнос билан боғлиқ инфор­мацион концепцияси.
4. Г.Е. Маркова ва В.В. Пименовнинг тизимли-статистик ёки компонентли назарияси кабиларни киритиш мумкин.

Демак, ҳозирги кунга қадар этнос тушунчаси ва таърифи бўйича ҳам фанда ягона фикр мавжуд эмас. Шу ўринда бошқа этнограф олимларнинг ҳам этник уммийликка берган таърифларини ҳам кўриб чиқсак.

<sup>39</sup> Қаранг: А.Аширов, Ш. Атаджанов. Этнология (ўқув қўлланма). -Тошкент: “Медиянашр”, 2007. .73.б.

С.А.Токарев ижтимоий бирликка асосланган этник умумийликнинг куйидаги белгиларини айтиб ўтади: умумий келиб чиқиш, тил, худуд, бир давлатга тегишлилик, иқтисодий алоқалар, маданият ва дин<sup>40</sup>. 1960 йил В.И.Козлов томонидан ҳам унга ўхшаш таъриф берилган «Этник умумийлик, маълум бир худудда пайдо бўлган инсонлар гуруҳи, узоқ вақт давомида ўз хўжалигига ва ижтимоий-маданий жихатдан умумий тил, маданият, турмуш тарзи, ижтимоий қадриятлар, урф-одатларига эга бўлган ва шунингдек, бир-биридан кескин фарқ қилувчи ирқларнинг бирлашиб кетганлиги этник умумийликнинг асосий белгиларидир». Этник ўзликни англаш тил, худуд, дин, турмуш тарзи, аниқ ижтимоий-худудий кўринишда намоён бўлади<sup>41</sup>.

Шу билан бир қаторда Л.Н.Гушле томонидан берилган «Этнос-ўзгармас бошқа миллат бирликларидан «биз» ва «биз эмас» каби тушунчаларга эга бўлган инсонлар жамоасига айтилади» деб таъкидлайди<sup>42</sup>.

Шунинг учун С.Б. Лурье «Этнос» тушунчаси Бромлей ва Гумилёвнинг таърифи ўртасидаги тушунчаси билан бир хил, яъни синоним деб қабул қилса ҳам бўлади, дейди. 90-йилларга келиб ҳам Бромлей ва Гумилёв таърифлари ўзгармади. Масалан Б.А.Тишков «халқ» тушунчаси этник бирлик маъносида ҳам ва маданиятга эга одамлар жамоаси, келиб чиқиш, тарихи жихатдан тушунча ва афсоналарга эга бўлган кишилар жамоасини атайди<sup>43</sup>.

Б.А.Тишков фикри бўйича «ўзликни англаш, этнос тушунчасида асосий роль ўйнайди» деб таъкидлайди<sup>44</sup>.

XX асрнинг 60—70 йилларига келиб этнос назариясига оид қарашларда янги босқич бошланди. Собик Иттифоқ назариячи олимларидан П. Кушнер (Кнышев), С.А. Токарев, Н.Н. Чебоксаров, Ю.В. Бромлей, В.И. Козлов сингари олимлар этноснинг ўзига хос таърифини баён этганлар. Айниқса, бу борада

<sup>40</sup> Қаранг: Токарев С.А. Проблемы типов этнических общностей // Вопросы философии. -Москва: Наука, 1964. № 11. С. 43-53

<sup>41</sup> Қаранг: Козлов В.И. О понятии этнической общности // Советская этнография. -Москва: Наука, 1967. №2. С. 100-111

<sup>42</sup> Қаранг: Гумилев Л.Н. Этносфера: история людей и история природы. -Москва: Экопрос, 1993. с. 544.

<sup>43</sup> Қаранг: Тишков В.А. Единство и многообразие культур // Народы и религии мира. Энциклопедия. – Москва: Изд-во «Большая Российская энциклопедия Научное», 1999. С.5-14

<sup>44</sup> Қаранг: Тишков В.А. Предисловие // Народы России. Энциклопедия. -Москва: Научное изд-во «Большая Российская энциклопедия», 1994. С. 3-4

Ю.В. Бромлейнинг фикрлари эътиборга сазовордир. Унинг «Этнос ва этнография», «Этнографиянинг замонавий муаммолари», «Этнос назариясидан очерклар» каби катор асарларида этнос назариясига доир мавжуд илмий қарашлар таҳлил қилинган ҳамда ижодий ривожлантирилган. Натижада, назарий этнографияда «Бромлей концепцияси» ёки «Этноснинг дуалистик назарияси» деб аталувчи концепция пайдо бўлди. Бу концепция муаллифнинг 1983 йилда нашр қилган «Очерки теории этноса» (Этнос назариясидан очерклар) номли монографиясида тўлалигича ўз ифодасини топган<sup>45</sup>.

Кенг маънодаги этнос ёки этноижтимоий тузилмага таъриф берган ҳолда Ю.В. Бромлей шундай ёзади: «Этник кўринишнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолат билан ўзаро боғлиқлиги ва мустаҳкам алоқадорлигини алоҳида таъкидлаш керак. Этнос, агар ягона (умумий) бир давлат таркибида мавжуд бўлса, ушбу ўзаро алоқадорлик янада муҳимдир. Бу ҳолатда таркиб топаётган ўзига хос тузилма нафақат ҳудудий-сиёсий, балки, ижтимоий-иқтисодий умумийликка ҳам эга бўлади». Умуман олганда, Бромлейнинг фикрича, этнос—аниқ бир ҳудуд, тил, келиб чиқиш, маданият умумийлиги, ўз-ўзини этник англаш ва ўз этник номи (этноними)га ҳамда ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган кишилар гуруҳидир<sup>46</sup>.

Инглиз антропологи ва социологи Э. Д. Сметнинг хулосаларидан келиб чиқиб Бромлей этноснинг қуйидаги белгиларини санаб ўтган.

- 1) Умумий жамоавий ном (ўзига тегишли);
- 2) Аждодлари тўрисидаги умумий афсоналарга эга эканлиги;
- 3) Умумий тарихий хотира;
- 4) Бир ёки бир неча маданиятларнинг бирламчилиги;
- 5) “Она ер” ватан;
- 6) Дин, тил, урф-одатлар, аждодларга тегишли бўлган ҳудудга эга эканлиги (Гумилёв ва Лурьенинг таърифлари билан ўхшаш).

<sup>45</sup> Қаранг: Брошей Ю.В. Очерки теории этноса. -Москва: Наука, 1983. С. 34.

<sup>46</sup> Қаранг: Ўша китоб. 35 б.

Замонавий этнограф олимлар этник ўзликни англашни биринчи ўринга қўйишади. Шунинг учун этнос бу бошқалардан маданият жихатдан тубдан фарқ қилувчи умуммиллийликдир (Бромлей фикрича), деб таъкидлашади<sup>47</sup>.

Таниқли элшунос олим Ю.В. Бромлей томонидан илгари сурилган концепциянинг характерли жихати шундаки, муаллиф этнос тушунчасини бир вақтнинг ўзида ҳам тор маънода, ҳам кенг маънода тушунмоқ керак, деган фикрни ўртага ташлади. Олим тор маънодаги этнос тушунчасини айна вақтда «этнокос», кенг маънодаги этнос тушунчасини эса «этноижтимоий тузилма» деб ҳам атайди. Унинг фикрича, тор маънодаги этнос ёки этнокос — бу ўзига хос барқарор маданият (хусусан тил), психика ҳамда этник ўз-ўзини англаш ва ўз этник номига (этнонимига) эга бўлган кишиларнинг тарихан таркиб топган гурухидир. Кенг маънодаги этносга ёки этноижтимоий тузилмага нафақат худудий-сиёсий, балки, ижтимоий, иктисодий умумийлик ҳам киради. Бунга мисол сифатида ўзбек халқини оладиган бўлсак, мазкур назария тарафдорларининг карашларига кўра, бутун дунёда яшовчи ўзбеклар — этнокос бўлса, Ўзбекистон худудида истиқомат қилувчи ўзбеклар эса — этноижтимоий организм ҳисобланади. Этнос тарихининг муҳим босқичларидан бири унинг шаклланиш жараёнидир. Агар этноснинг шаклланиши ниҳоясига етган бўлса, унга кейинроқ қўшилган этник компонентлар унинг таркибини ўзгартириб юбора олмайди. Этнос таркибига қўшилган этнографик гуруҳ маълум бир тарихий воқелик, жараён таъсиридан сўнг унинг таркибига сингиб кетади.

Юқорида таъкидланганидек, этноснинг муҳим аломати унинг тили ҳисобланади. Тил кўпинча халқ шаклланишининг шарти ёки этногенезининг якуний босқичи ҳисобланади. Лекин, баъзи ҳолларда айрим этнослар турли тилларда сўзлашувчи халқлардан ҳам таркиб топиши мумкин. Бундай вазиятларда тил этносга хос муҳим хусусият, этник мансублик белгиси ролини бажаради. Қолаверса, шуни ҳам унутмаслик керакки, турли этнослар бир тилда сўзлашишлари ҳам мумкин. Инглизлар ва австралияликлар бир тилда — инглиз тилида сўзлашадилар. Шунингдек, айнан мазкур тилда АҚШ

<sup>47</sup> Қаранг: Бромлей Ю.В. Брошей Ю.В. Очерки теории этноса. —Москва: Наука, 1983. с.412.

аҳолиси, канадаликларнинг катта қисми, Ямайка ороли, янги зеландияликлар, ирландлар сўзлашадилар. Лекин, амалда улар турли этнослар ҳисобланадилар. Демак, тил ҳар доим ҳам этноснинг шаклланишида ҳал қилувчи омил бўла олмас экан.

Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, тил этносни йўқолиб кетмаслигининг олдини олиш ҳусусиятига ҳам эгадир. Масалан бунини жануби-шарқий Осиё давлатлари мисолида кўришимиз мумкин. Бунга Тайланд, Бангладеш, Малазия, Индонезия ва бошқа давлатларга будда динининг кириб келиши ва бу ерда миллатларни ўз тилларини сақлаб қолишлари уларнинг бугунги кунгача ўз маданияти ва урф-одатлари етиб келишига асосий сабаб бўлди<sup>48</sup>.

Этносининг шаклланишида этносга хос моддий ва маънавий маданият ҳам муҳим ўрин тутди. Бу, аввало, маълум бир халқга хос миллий-этник аломатлар, урф-одатлар, маросимлар, халқ санъати, ахлоқ-одоб меъёрларида намоён бўлади. Шунингдек, этносга ўзига хос ҳусусиятларга маънавий маданият ва дин ҳам киради. Шу ўринда динга тўхталиб ўтсак.

Диннинг этник бирликлар шаклланишига таъсири масаласида соҳа мутахассислари орасида бир-биридан фарқ қилувчи қарашлар мавжуд. Жумладан, У. Альтерматт<sup>49</sup>, С.А. Токарев каби олимлар динни этноснинг шаклланишини белгиловчи асосий элементлардан деб ҳисоблашса, Ю.В.Бромлей, Л.Н.Гумилёвлар уни этнослар юзага келишида иштирок этувчи омиллар тизимида иккинчи даражага қўйишган<sup>50</sup>. Шундай бўлишига қарамай, бу борада тадқиқот олиб борган олимлар диний омилнинг этник бирликлар шаклланишига бевосита ёки билвосита таъсири мавжуд эканини эътироф этишларини алоҳида қайд этиш лозим. Ибтидоий даврдан то бугунги кунга қадар дин ва этноснинг ўзаро таъсир, кесишув нуқталари мавжуд бўлгани ҳам бундай хулосанинг ўринли эканини кўрсатади.

<sup>48</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”, 2010. 420 б.

<sup>49</sup> Қаранг: Альтерматт У. Этнонационализм в Европе. -Москва: Российский гос. гуманитар. ун-т, 2000. С. 62.

<sup>50</sup> Қаранг: Петренко С.П. Конфессиональная и этническая общности: философско-культурологический анализ. // Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук. -Москва: Ростов-на-Дону, 2007. С. 74.

Маълумки, этносларнинг шаклланишида муайян ҳудудда интеграциялашиш асосий омиллардан бири ҳисобланади. Дин ҳам ана шундай кучли бирлаштирувчи қудратга эга. Шунинг учун ҳам тарихда кўплаб давлатлар ва империялар ўз яхлитлигини сақлаб қолиш мақсадида одамларни ягона диний таълимот атрофида бирлаштиришга ҳаракат қилганлар. Масалан, IV асрда император Константиннинг Христианликни Римнинг давлат дини деб эълон қилиши, X асрда Киев Русининг Православликка ўтказилишидан ҳам, асосан, юқоридаги мақсадлар кўзланган эди.

Диний омилнинг этник бирликлар шаклланиши ва ривожланишига таъсири асосан икки – консолидатив (бирлаштирувчи, жипслаштирувчи) ва ассимилятив шаклларда содир бўлиши мумкин.

Хусусан, шаклланиб бўлган этноснинг янада жипслашуви ёки тил ва маданий жиҳатдан яқин бўлган бир неча халқларнинг ягона эътиқод таъсирида бирлашиб кетиши содир бўлган ҳолларда диннинг консолидатив қудратини кўриш мумкин<sup>51</sup>. Таниқли этнограф П.И.Пучков мазкур масалага тўхталар экан, “...одамлар конфессионал мансубликка кўра бир хил ёки яқин эътиқодда бўлган жойларда этник бирликларнинг шаклланиши тезроқ суратларда кечади”<sup>52</sup>, - деб ёзади. Буддавийлик ва маҳаллий урф-одатлар қоришмаси натижасида юзага келган синтоийлик турли субетносларнинг жипслашиши ва япон миллатининг юзага келишига туртки бўлгани ҳам бундай ҳулосанинг ўринли эканини кўрсатади.

Диннинг ассимилятив таъсири муайян халқнинг эътиқодий асосда йирикроқ бир этносга қўшилиб кетилишига замин яратишида кўринади<sup>53</sup>. XIII асрда Марказий Осиё ҳудудини босиб олган мўғулларнинг ислом динини қабул қилишлари натижасида маҳаллий халқларга қўшилиб кетгани диннинг бундай қудратини кўрсатувчи ёрқин мисол бўла олади.

<sup>51</sup> Қаранг: Казьмина О.Е., Пучков П.И. Основы этнодемографии. Учебное пособие.-Москва: Наука,1994. С. 91.

<sup>52</sup> Қаранг: Пучков П.И. Интегрирующая и дезинтегрирующая роль религии в этническом процессе // Расы и народы. Вып. -Москва: Наука, 1991. С. 25.

<sup>53</sup> Қаранг: Петренко С.П. Конфессиональная и этническая общности: философско-культурологический анализ. // Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук.-Москва: Ростов-на-Дону, 2007. С. 63.

Этносининг шаклланишидаги энг мухим аломатлар таркибига мазкур этносга мансубликни идрок этиш, яъни этник ўзликни англаш ҳисси ҳам киради. Этник ўзликни англаш ҳисси мазкур халққа тегишли фуқаролар томонидан ўзларининг келиб чиқиш тарихи ва тарихий тақдирлари умумийлиги тўғрисидаги тасаввурлар асосида шаклланади. Ҳатто, мисол учун, маълум бир қисм ўзбеклар, руслар, яхудийлар, арманлар, поляклар турли мамлакатларда яшасаларда, ўзларини тарихий ватанларидаги этник жамоалари билан боғлайдилар. Бундан ташқари, ҳар бир этник жамоага мансуб кишилар ўзларини бошқа гуруҳга мансуб одамлардан «биз» ва «улар» деган антитезис асосида ажратиб, талқин қиладилар.

Ҳозирги дунё фанида этнос назариясига доир альтернатив (муқобил) қарашлар ва концепциялар мавжуд. Замонавий Ғарб ва Европадаги айрим мактаблар вакиллари этнос назариясини кескин танқид қилмоқдалар. Баъзи назариётчи тадқиқотчилар бўлса ушбу назарияни бутунлай рад этмоқдалар. Айрим қарашларга кўра, кўплаб одамлар ўзларини у ёки бу этносга тегишли деб ҳисобламайдилар. Уларнинг ижтимоий ўзига хослиги, ўз навбатида, давлатга ёки диний жамоага мансублигига қараб ҳам аниқланади. Умуман олганда, сўнгги вақтларда модернизмдан кейинги фалсафага асосланган замонавий этнология фанида этносга қуйидагича таъриф берилади: Этнос — бу умумий ном(этноним)га, маданиятда умумий ўхшашликларга эга бўлган, жамоавий тарихий тафаккурга ва келиб чиқиши тарихини умумий мифологик тарзда тасаввур этувчи, ўзларини маълум бир ҳудуд билан боғлиқ ҳамда ҳамфикр деб билувчи кишилар гуруҳидир. Чунончи, бунда олдинги назарияларга асос бўлган худудий ва тарихий жараёнлар билан боғлиқ ҳолдаги объектив маълумотлар эмас, балки, субъектив жиҳатлар: жамоавий тафаккур, мифология, тасаввур этиш муҳим аҳамият касб этади.

Миллат (лотинча натио — «халқ») термини қадимда ва ўрта асрларда асосан келиб чиқиши бир бўлган, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан умумийлик касб этган маълум бир гуруҳ кишиларга нисбатан қўлланилган.

Миллат тарихий жихатдан мустахкамланиб келган инсонлар бирлиги, тил, ҳудуд бирлиги базасидан келиб чиққан, иқтисодий ҳаёт ва психологик дунё қараши умумий маданиятида ўз аксини топган бирликдир<sup>54</sup>.

Янги даврда, айниқса, XVIII аср интихосидаги Буюк Француз инқилобидан кейин француз, инглиз ва Ғарбий Европа халқлари тилларида миллат атамаси маълум бир давлат фуқароларига нисбатан, яъни этник маънода қўлланила бошланган. Марказий ва Шарқий Европада миллий давлатчилик тараққиёти бир оз кечроқ бошланганлиги боис миллат ибораси бир ҳудудда яшаган ҳамда тил ва маданий муносабатлар умумийлигига эга бўлган, яъни этник маънода қўлланила бошланган. Миллатнинг янги илмий концепциясининг муаллифи француз олими Э. Ренан ҳисобланади. У илк бора 1877 йилда этник (давлатга доир) ва этник талқинларни умумлаштиришга ҳамда миллат иборасининг дастлаб қўлланилиши ўрта асрлар Европасида миллий давлатчиликнинг пайдо бўлиш жараёни билан боғлиқ деб талқин қилган<sup>55</sup>. Миллат, унинг фикрича, аввало, маълум бир гуруҳ кишиларининг биргаликда яшаши, олдинги аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган анъаналарни сақлаб қолишга бўлган ҳаракати ҳамда умумий мақсад йўлида бирлашишидир. Э. Ренандан сўнг ижтимоий фанлар тизимида миллат атамаси билан боғлиқ қатор назарий-методологик қарашлар баён қилинган бўлсада, уларнинг бирортаси ҳам мукамал назария сифатида шаклланмаган ва умум томонидан эътироф этилмаган.

Совет даврида миллат атамасига ривожланган синфийликка хос этнос типи, деган таъриф берилган. Миллат иборасининг пайдо бўлиши феодал тарқоқликнинг юзага келиши ва капитализмнинг майдонга келиши билан боғлиқ тарзда юз берган хўжалик ва бошқа алоқаларнинг ривожланиши, она тилида ижод қилувчи зиёлилар ва адабиётчиларнинг кўпайиши, миллий-этник ўзлик ҳиссининг кучайиши, миллий давлатчиликни куриш

<sup>54</sup> Қаранг: Тахтамышев В.Г. Этноконфессиональные отношения в Ростовской области: проблемы и решения// Вопросы межнационального согласия и профилактика конфликтов в Ростовской области: Материалы региональной научно-практической конференции. Ростов-на-Дону, 23 июня 2005 г. -Москва: Ростов н/д, Рост.гос.ун-т путей сообщения, 2005. С. 31-35

<sup>55</sup> Қаранг: Газданова Б.С. Осетины // Энциклопедия культур народов Юга России: В 9 т. Т.1 Народы Юга России. -Москва: Ростов н/Д: Издательство СКНЦ ВШ, 2005. С.179-181.

харакатининг авж олиши билан боғлиқдир. Европадаги дастлаб пайдо бўлган миллатлар марказлашган давлатлар ҳудудида, яъни бир ёки бир неча этник муносабатлари яқин бўлган халқлар орасида шаклланган. Масалан, француз миллати шимолий французлар ва провансаллардан ташкил топган.

Миллат атамаси Ғарбий Европа тилларида «бир давлат фуқаролари жамоаси» мазмунини англатувчи сиёсий маънони англатган. Сўнгги ўн йилликларда миллат атамаси билан боғлиқ анъанавий қарашларда инқилобий ўзгаришлар юз берди. Айниқса, бу борада Миклухо-Маклай номидаги Этнология ва антропология институти директори В. Тишков тадқиқотлари алоҳида диққатга сазовордир. Унинг фикрича, миллат тасаввурдаги тузилма бўлиб, жамоавий ҳаракатларга асос бўлади ва қатъий воқеликка айланади<sup>56</sup>.

Ўз навбатида В. Тишков макон ва замон ҳамда бугунги кунда ғоят долзарб бўлиб турган терроризм, экстремизм, миллатчилик, сепаратизм, диаспоралар, кам сонли миллий гуруҳлар тушунчаларини «ижтимоий антропология» нуқтаи назаридан таҳлил қилган. Унинг фикрича, турлитуман маҳаллий қарама-қаршилиқлар тарихий ва этник муаммолардан эмас, балки, «замонавий муаммоларга оид ижтимоий макондаги замонавий иштирокчиларнинг замонавий ихтилофларидан пайдо бўлади ва ўз навбатида бу вазиятда миллий адоват ва агрессия сунъий равишда атайлаб авж олдирилади<sup>57</sup>. Бизнингча, бундай кескин қараш советлар тузумидан кейинги собиқ иттифоқ олимлари орасида гарчи дастлабки янгича қараш бўлсада, муаммонинг тўлиқ ечимини англатувчи мукамал жавоб эмас, балки, бирмунча бахсли, лекин эътиборга сазовор конструктивистик мулоҳазадир.

Этнологиянинг назарий методологик муаммолари борасида сўз юритганда этник ва этнослараро жараёнларга ҳам эътибор қаратиш жоиздир. Этнологияда «этник жараёнлар» дейилганда у ёки бу этнос (этник бирлик) билан боғлиқликда кечаётган барча ўзгаришлар тушунилади. Яъни, «этник жараёнлар» кенг маънодаги тушунча бўлиб, этнос билан боғлиқ генетик, лингвистик, психологик, ҳўжалик-иқтисодий ва маданий ўзгаришларни ўзига

<sup>56</sup> Қаранг: Тишков В.А. Реквием по этносу. -Москва: Наука, 1983.С. 24.

<sup>57</sup> Қаранг: Ўша китоб. С. 31.

камраб олади. Этник жараён икки хил кўринишда, яъни бўлиниб кетишга ҳамда бирлашишга мойил вазиятларда намоён бўлади. Этник жараёнларнинг биринчи кўриниши учун илгари бўлинмасдан келган этнодан бир неча этник гуруҳларнинг ёки унинг маълум бир бўлагининг ажралиб чиқиб, алоҳида мустақил этносни ташкил топиши характерлидир.

Бирлаштирувчи этник жараёнлар эса, аксинча, турли мустақил этносларнинг ўзаро яқинлашуви (интеграциялашув), бирикиши (консолидациялашув) ва аралашиб, қоришиб кетиши (ассимиляциялашув) ҳолатларида намоён бўлади. Таниқли ўзбек элшунос олими У.С. Абдуллаевнинг фикрича, этник жараённинг бу кўриниши мазмун-моҳияти билан турли мустақил этнослар орасидаги муносабатлардан иборат экан, у ҳолда бу жараёнларни яхлит ҳолда этнослараро жараёнлар, деб тушуниш ва аташ хато бўлмайди. Бундан келиб чиқадиган назарий хулоса шуки, этнослараро жараёнлар этник жараёнларнинг ўзига хос бирлаштирувчи кўринишидир.

Шуни таъкидлаш зарурки, этнология фанида «этнослараро муносабатлар» (рус тилидаги «межэтнические отношения») тушунчаси бир вақтнинг ўзида ҳам тор маънода, ҳам кенг маънода қўлланилади. Бу тушунча кенг маънода турли этнослар орасидаги ўзаро муносабатларга нисбатан, тор маънода эса ҳар хил этносга мансуб кишиларнинг яқка тартибдаги мулоқотларига нисбатан қўлланилмоқда.

Ҳолбуки, элшунослар томонидан «миллатлараро» атамасидан кўра кўпроқ «этнослараро» атамаси қўлланиб келинади. Негаки, этнология фанининг тадқиқот предмети нафақат миллат, балки, этноснинг барча тарихий шакллари (уруғ, қабила, элат, халқ) ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир халқнинг келиб чиқиши, маданияти, урф-одатлари ва бошқа жиҳатларини ўрганиш бугун бизнинг олдимизда турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

## 1.2. Конфессионал жамоа тушунчаси ва унинг этник хусусиятлар билан ўзаро таъсирлашуви

“Конфессия” сўзи (лотинча- “конфессио”) ўзбек тилига айнан таржима қилинганда “этикод қилиш”, деган маънони англатади. Умуман олганда, диний конфессия деганда муайян диний таълимот доирасида шаклланган ва ўзига хос хусусиятларга эга этикод ва ушбу этикодга эргашувчилар жамоаси тушунилади. Бир дин доирасида юзага келган бўлсада, ақидалар борасида фарқланадиган жамоалар ҳам диний конфессиялар жумласидандир<sup>58</sup>.

Рус православ черковида у иймон рамзи сифатида қўлланилади. Диннинг бутун дунё энциклопедияси ва диншуносликка асосланган кўпчилик энциклопедияларда этикод ва конфессия тушунчалари бир-бирининг ўрнини босувчи термин сифатида қўлланиб келинган. XIX асрнинг ўрталарида В.И.Далнинг луғатидан жой олган этикод (вероисповедание) иймон, қандайдир халқлар томонидан тан олинган дин деб тушунилган<sup>59</sup>.

Ўтган асрнинг 90-йилларида этикодга берилган таъриф 20 йиллардан кейин бошқача тазрда таъриф берилди яъни этикод - бу мавжуд динларнинг бир-бирига алоқадор бўлиши билан ёки вақт ўтиб бир-бирини тан олишидир.

Ўтган асрнинг 20-30-йилларида конфессия тушунчаси маълум бир таърифга эга бўлган. Буни совет даврида ёзилган бир нечта энциклопедияларда учратишимиз мумкин, маълум бир черковга ошкора тегишли бўлиши ёки бошқа диний гуруҳга тегишли бўлиши ёки янада қисқача холидагиси «расмий у ёки бу жамоага тегишли бўлиш»<sup>60</sup>.

Бизгача маълум бўлган юқоридаги терминларнинг XIX асрда на диний, на илмий манбаларда ишлатилган. Масалан Брокгауз ва Ефрона энциклопедик луғатларида ҳам «конфессионизм» деб аталган кичик кичик

<sup>58</sup> Қаранг: А.Очилдиев, Ж.Нажмиддинов. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга юз жавоб). –Тошкент: “Тошкент ислом университети”, 2009. Б. 8.

<sup>59</sup> Қаранг: Даль В.И. Толковый словарь живого великорусского языка. –Москва: Гос. Изд. иностр. и нац. Словарей, 1955. В 4 т. Т. С. 700.

<sup>60</sup> Қаранг: Вероисповедание // Большая Советская энциклопедия. Советская энциклопедия. Т. 10. –Москва: Наука, 1928. С. 312

мақолани ўзида жамлайди. Совет даври энциклопедияларида «конфессия» термини «эътиқод» рамзи бўлиб келган.

Шунинг инобатга олган ҳолда, мутахассислар ҳозирги кунда дунёда тахминан 1000 дан ортиқ диний конфессиялар мавжуд, деб ҳисоблайдилар.

Диний конфессиялар манзараси ранг-баранглигини Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтиб, фаолият юритаётган диний конфессиялар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Христианликка мансуб бўлсада, юртимиздаги 11 та йўналишнинг ҳар бири ўзини алоҳида диний конфессия, деб ҳисоблаши фикримизнинг исботи бўла олади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ислом динида бундай ҳолат кузатилмайди. Ҳеч қайси мамлакатда ҳанафий мазҳаби алоҳида, бошқа мазҳаблар алоҳида конфессия сифатида рўйхатдан ўтмайди. Масалан, Ўзбекистонда ҳам бир неча шиа жамоалари бўлишига қарамай, улар ўзларини алоҳида диний конфессия ҳисоблашмайди.

**Конфессионал ва этник умумийлик.** Конфессионал умумийлик этник умумийликдан кўра камроқ ўрганилган, ҳатто конфессионал умумийлик жумласи илмий термин сифатида фанда янги ҳисобланади.

Бизни қизиқтираётган «конфессионал умумийлик (конфессиональная общность)» илмий тилда 60 йилларда диншунослар эмас, балки этнографлар томонидан фанга киритилган. Бу терминни биринчи бор қўлланилишини 1969 йилдаги этнографларнинг мақолаларида кўришимиз мумкин<sup>61</sup>.

70-80 йилларда ушбу термин этнограф олимларнинг илмий ишларида дастлаб ишлатилган. Конфессионал умумийлик 80-йилларда пайдо бўлган.

1979 йилда нашр этилган «Чет эл сўзлари луғатида «конфессионал» шаклида, 2000 йилдаги луғатда эса «конфессия» шаклида изоҳ берилган.

70 йилларнинг ўрталарида П.И.Пучков: «Диний умумийлик нима? деган саволга; «Диний умумийлик, яъни конфессия бирор-бир дин ёки унинг йўналиши, оқим, сектасига бўйсунидир»<sup>62</sup>.

<sup>61</sup> Қаранг: Брукси. Чебоксаров Н.Н. Чеснов Я.В. Проблемы этнического развития стран зарубежной Азии // Вопросы истории. -Москва: Наука, 1969. № 1. С. 89- 107.

<sup>62</sup> Қаранг: Пучков П.И. Современная география религий. -Москва: Наука, 1975. с 184.

Диншунослик бўйича баъзи бир луғатлар муаллифлари ҳам конфессионал умумийлик тушунчасини эътиқод (вероисповедание), деб таъриф берилганлигига дуч келишимиз мумкин яъни: эътиқод.

1) Маълум бир дин таълимотини қабул қилиши, уни қабул қилганлиги ҳақида гувоҳлик бўлиши ушбу динга, черковга, конфессияга тегишли бўлишидир.

2) Ўзининг таълимоти, жамоасига эга бўлган диний бирлашма.

Иккинчи таъриф конфессияга яқинроқ, лекин у билан айнан бир хил, десак муболаға бўлади. Конфессионал умумийликка доир саволлар оддий эмас. Биринчи бўлиб қуйидаги таъриф борасидаги конфессионал умумийлик тушунчасини қандай тушуниш мумкин, маълум бир динга ёки унинг (диннинг) фақат бир йўналиши, оқими, сектасига тегишли бўлишми?

Масалан мусулмонларни ягона бир умумий конфессия деб бўладими? Ёки унинг йўналишларини мисол учун суннийларни алоҳида, шиъларни алоҳида бир диний конфессия деб аташ керакми (яъни алоҳида бир конфессионал умумийлик сифатида)? Ушбу муаммо иерархикликни ҳисобга олганда ҳам намоён бўлади, яъни бу мусулмонларга ҳамда ундаги сунний ва шиъа йўналишларига тегишлидир.

Ушбу ечим бошқа бир неча турли йўналишларга бўлиниб кетган динларга ҳам тегишлидир. Ушбу муаммони ечимини П.И.Пучков ўзининг диссертациясида ёзган: «Диний умумийлик иерархик (даврий) характерга эга. Бир томондан диний умумийликга барча христианларни киритиш мумкин, бошқа томондан фақатгина протестанларни, учинчи томондан эса фақат ҳамма кальвинистларни ва ҳ.к.»<sup>63</sup>.

Биз учун ушбу таъриф муҳим, чунки унда конфессионал ва этник умумийлик борасида ўхшашликлар мавжуд. Уларнинг фарқи этник иерархия умумий нуқтаи назардан иккита (ранг) босқич иерархиясига эга, конфессионал умумийлик эса учта.

Масалан; Ҳанафий, моликий, шофий ва ханбалийларни алоҳида конфессионал умумийликдаги асосий иерархия деб атаб бўлмайди.

<sup>63</sup> Қаранг: Пучков П.И. Современная география религий. -Москва: Наука, 1975. с 186.

Конфессионал умумийлик асосий даражасида суннийлик ёки шиалик десак хато бўлмайди уларнинг йўналишлари ҳам бунинг ичига киради. Конфессионал умумийликдаги иерархия даражаси ҳам сон жихатдан аниқ эмас, унга нисбатан ишлатиладиган терминлар аниқ эмас, масалан, этнологияда этнос, субэтнос, метаэтнос, суперэтнос ва х,к, конфессионал умумийликда ҳудди шунга ўхшаш учта бўлиниш бор.

1) Юқори таксон

2) Ўрта таксон

3) Қуйи таксон

1) Юқори таксон-метаконфессионал умумийликки унда маълум бир диннинг умумий ҳамма йўналишларини ўз ичига олади.

2) Ўрта таксон-конфессионал умумийликнинг ўртача даражаси, бу юқоридаги иерархияни асосий даражаси ёки қисми.

3) Пастки таксон-диннинг баъзи бир ажралиб турувчи қисмларинигина, йўналиши, оқимларини ўз ичига олади<sup>64</sup>. Конфессионал умумийликка ушбу конфессия билан боғлиқ бўлган ҳамма жихатлар кирадими ёки фақат уни фаол иштирокчиларими? Шу масала тушунарлироқ ҳисобланади. Ҳеч иккиланишсиз айтишимиз мумкинки, ҳар қандай даврда ҳам атеистлар, диндорлар ёки иккиланганлар бўлган уларни қайси табақага киритиш мумкин (уларни ким деб атаймиз?). Бу савол ҳозирги даврда жуда долзарб. Айтайлик, ҳозирги даврда Россияда проваслав конфессионал умумийлигига нимани киритиш мумкин-ҳамма черковдаги роҳибларними ёки ёшлигида провослав қоидаларига мувофиқ равишда чўқинтирилган, ҳозирги даврда эса унинг фақат баъзи бир байрамларини нишонлаб, баъзи қоида, урф-одатларига риоя қилувчиларни ҳамми?

Биринчи вариантга тўхталсак у ҳолда Россия Федерацияси аҳолисининг кам фоизи диндорларга киради. Иккинчи вариантда эса ушбу халққа тегишли аҳолининг жуда кўп фоизини ташкил қилади. Юқоридаги ҳолат мусулмонларга ҳам тегишлидир, яъни уларнинг диндорлик миқдорига ҳам

<sup>64</sup> Қаранг: Козлов В.И. Этническая общность // Советская историческая энциклопедия. В 16 т. Т. 16. Советская энциклопедия. -Москва: Наука, 1976. С. 638- 639.

тегишлидир, шунингдек бошқа дин вакиллари ҳам. Масалан оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, этник мусулмонларнинг сони 20 миллиондан кўп.

Бу ҳолат ислом динида бўлган Россия Федерацияси фуқароларнинг сонининг кўплиги, динийлик даражасидан қатъий назар кўпнозрозиликларни келтириб чиқаради. Чунки конфессионал умумийлик ўз ичига нафақат диний умумийликни, балки, қайсидир даражада тарихий маданиятни ҳам қамраб олмоқда.

Конфесионал умумийликни ташқи рамакаларини “чегаралари” ноаниқлигининг асосий муаммоларидан биридир. Бундан ташқари яна бир муаммога дуч келдик у таълимот, ташкилотларни ўз ичига олишидан ташқари яна бирор бир ажралиб турувчи характерга эгадир.

Масалан англиканларни олсак. Уларнинг таълимоти аралашмага ўхшайди. Умумий протестант принциплари, калвинизм, лютеранлик, ва хаттоки католик йўналишининг баъзи қирраларини ўзида мужассамлаштирган<sup>65</sup>. Яхшилаб олиб қарасак англиканларгагина тегишли ақида йўқ. Бу унинг таълимотида ҳам ўз аксини топган. Унинг таълимотида «39 та модда» асосан назарда тutilади. Улар тузилган даврда мамлакатга католиклар таълимоти таҳдид солаётган давр эди. Шунинг учун ушбу моддалар протестанлик ақидаси асосида тузилган.

XVII асрда «39 моддаси»ни қабул қилган одамлар ўша даврдаги диндорларга қарши бўлишган. Протестантликнинг радикал гуруҳи яъни XVII асрда вужудга келган Пуританлар англиканлар билан бир черковда яшашган<sup>66</sup>.

А.Л.Мартон ингиллиз тарихчисини айтишича пуританлар баъзи бир урф-одатларидаги ўзгаришларнинг тарафдорлари бўлган холос. Масалан англиканлар ва пуританлар ўртасида яъни таълимоти борасида келишмовчиликлар бор деб таъкидланган. Лекин келишмовчиликлар

<sup>65</sup> Қаранг: Пучков П.И. Марониты. // Религии и народы мира. Энциклопедия. «Большая Российская энциклопедия». -Москва: Научное изд-во, 1999. С. 764.

<sup>66</sup> Қаранг: Braker H. Religionsproblematik und Nationalitätspolitik. Berichte des Bundesinstituts für ostwissenschaftliche und Internationale. -Köln: Studien, 1972. p 31.

учуналик чуқур илдиз отмаган. А.Л.Мартоннинг таъкидлашича пуританлар фарқи фақатгина «ахлоқ-одоб масалаларига бўлган муносабатида» дейди<sup>67</sup>.

Англиканларнинг таъкидлаши бўйича конфессисонал умумийликда диний ташкилотлардан, таълимотлардан ташқари яна бошқа жиҳатлар бўлиши керак. Айнан қандай? Ушбу саволни тўлиқ кўриб чиқилмаганлигини инобатга олган ҳолда у шундай изоҳ беради:

Биз этник умумийликни белгиларини конфессисонал умумийлик белгиларига мослаштирмоқчимиз бу тадқиқотимизнинг асосий мақсади. Бндай йўл тутишимиз жуда тўғри чунки Конфессисонал умумийликнинг баъзи қирралари бизга айнан этник бирлик белгилари билан солиштириш учун зарурдир<sup>68</sup>.

Бизга маълумки ҳозирги давр этнологлари жойни ўрганишда биринчи ўринга этник ўзликни англашни қўяди. Конфессисонал умумийликда шу нарса борми? Шубҳасиз, конфессисонал умумийликда бошқа диндорлардан фарқлилигини, конфессисонал ўзликни англаши, ўзларини якка эканлигини тушуниши этник ўзликни англашга тўғридан тўри мос келади. Фарқли жиҳати битта этник ўзликни англашда «қабилadoш-бошқа қабила одами» тушунчаси, конфессисон ўликни англашда эса «диндош-бошқа дин вакили»га ўзгаргани.

Бундан ташқари «биз-улар», «ўзимизники-бегона» каби тушунчалар ҳам мавжуд, ўзликни англаш этнологияда муҳим ўрин тутди. Илмий адабиётларда ёзилишича типологик қирралари бир хил бўлса ҳам, (типологик- умумийлик ер, тил, маданий одатлари) ягона ўзликни англаш тушнчасига эга бўлмаса этнослар томонидан қабул қилинмайди<sup>69</sup>. (масалан Ҳиндистондаги бихарлар айнан шу сабаб халқнинг бир гуруҳи ҳисобланади, ягона этнос эмас). Бизни тахминимиз бўйича ушбу принцип диндорларга нисбатан ҳам қўлланилса бўлади. Конфессисонал ўзликни англаганларгина

<sup>67</sup> Қаранг: Болховитина И.А. Конфессиональная полисистемность и ее влияние на межнациональные отношения на Дону // Вопросы межнационального согласия и профилактика конфликтов в Ростовской области: Материалы региональной научно-практической конференции. Ростов- на-Дону, 23 июня 2005г. Ростов н/Д. -Москва: Рост. гос. ун-т путей сообщения, 2005. С. 50-52.

<sup>68</sup> Қаранг: Гумилёв Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. - Ленинград: Гидрометеозиздаг, 1990. 528 с.

<sup>69</sup> Қаранг: Гумилев Л.Н. Этносфера: история людей и история природы. -Москва: Экопрос, 1993. с 544.

конфессионал умумийлик ҳисобланади, улар бир черков атрофида жамланмаган бўлса ҳам.

Бошқа томондан диннинг қайсидир йўналишига тегишли диндорлар, ўзларини урф одати ва ақидаси бошқалигига қарамай ўзини ажратмасида уларни конфессионал умумийлик деб атамаймиз.

Умуман олганда биз бир нарсани тушунишимиз керакки, этник умумийлик билан конфессионал умумийлик учун ўзликни англаш асосий тушунчалардан бири бўлиб қолиши шарт. Иккаласига ҳам ўзликни англаш белги бўлиши керак. Лекин шунга қарамай улар ўртасида фарқлар бор. Бу фарқлардан бирига 70-йилларда П.И.Пучков эътиборини қаратган<sup>70</sup>.

«Ўзликни англашдаги ўзгариш диний умумийлик билан этник умумийликда фарқ қилади, маълумки этник жабҳада янги этнос сифатида ўтиш (ўзгариш) секин, аста юз беради. Бундай ўзгариши бўлганидан сўнг ўзликни англаш маълум бир этник жамоага тегишли бўлмаганидан сўнг ноаниқ бўлади»<sup>71</sup>.

Конфессионал ўзликни англашдаги ўзгариш эса бошқа масаладир. Бошқа динга ўтиш бир қанча вақт талаб қилсада этник ўзликни англашга ўхшаш, лекин динда ўзгариш бўлади. Олдинги эътиқод ўртасида катта жарлик бўлишига олиб келади. Конфессионал умумийлик ўз номланишига эга. Шу билан бирга бошқа диндорлар яъни бошқа конфессия ёки дин вакиллари томонидан берилган номлар бўлади, улар кўп ҳолларда бир-бирига мос тушади ёки фарқ қилади.

Этник умумийликни кейинги белгиларидан бири тил, маданият ва одатлар бирлигидир. Улардан бирнчиси тил умумийлиги конфессионал умумийликка тўғри келади. Лекин тил ҳам динга ўз таъсини ўтказган, масалан католикликда лотин, ислом динида эса араб тили ва араб графикасининг ўрни беқиёс катта ҳисобланади<sup>72</sup>.

<sup>70</sup> Қаранг: А.Аширов, Ш. Атаджанов. Этнология (ўқув қўлланма). -Тошкент:“Медиянашр”, 2007.й 73.б.

<sup>71</sup> Қаранг: Пучков П.И. О соотношении конфессиональной и этнической общностей // Советская этнография. -Москва, 1973. №6. С 51-64.

<sup>72</sup> Қаранг: Тишков В.А. Единство и многообразие культур // Народы и религии мира. Энциклопедия. «Большая Российская энциклопедия». -Москва: Научное изд-во, 1999. С 5-14.

Конфессионал умумийликда ягона маданият, одат тегишлими? Бизни фикримизча савол динни маданиятга, этносга таъсири билан узвий болиқдир ва бу бизнинг тадқиқотларимиздан узокроқ мавзудир. Биз унинг баъзи бир қирраларигагина тўхталиб ўтамиз. Ҳар хил конфессиялар маълум бир жамода бўлган урф-одатларга ўз таъсирини кўрсатган лекин кимнингдир маданиятга таъсир қилиши жиддий масаладир. Буни аниқ мисолларда келтирамиз, немисларни ўрганиб чиққан этнографлар уларни кийимларида протестантларда учрайдиган тўқ рангларни кўплигига эътибор беришди, католикларда эса очик яъни кўк, қизил, сариқ ранглар хосдир. Демак конфессияъни этносга таъсир даражаси борми? Бу саволга битта аниқ жавоб бериш қийиндир. Бу борада замонавий диншунослар ва социологлар «конфесио-маданий умумийлик» терминини ишлатмоқдалар.

Конфессия ҳам ўзининг ҳарактерига ва психикасига эгадир. Бунга мисол тарзда тарихчиси ва диншунос Р.Ю.Випперни гапини мисол келтиришимиз мумкин «Ингилизларнинг қаттиқ таълимоти натижасида жамиятда ўзига хос характер вужудга келди, Пуританлар ҳаётга жиддий қарайди. У ўзига эркинлик танлайди, кулмайди, фантазияларга берилмайди, ўзи ишламайди ва бошқа ишламайдиган аҳоли қатламини ёмон кўради, унинг кийими, шиорларида, сўзларида доим бир хиллик, қоронғулик, доимий мотам. Унда ўзликни англаш жуда кучли ривожланган. Лекин у одамларни қизиқишига нисбатан ўзининг бағритошлиги билан ажралиб туради. Охир оқибат пуританлар ҳам калвинистларга ўхшаб ён босмайдиган, айтганидан қайтмайдиган қизанчиқдирлар»<sup>73</sup>.

Бу борада М.Вебернинг тадқиқотлари ҳам аҳамиятга эгадир. У католик ва радикал протестантлар ўртасидаги фарқни айтиб ўтган, бу кўпроқ иқтисодий жабҳада намоён бўлган<sup>74</sup>. Этносининг белгиларидан бири иқтисодий давлат ва чегаравий умумийликдир. Булардан биринчиси яъни иқтисодий жабҳа конфессионал умумийликка умуман дахли йўқдир. Умумий ҳудуд масаласига келадиган бўлсак бу диний умумийликка қисмангина

<sup>73</sup> Қаранг: Виппер Р.Ю. История нового времени. -Москва: ЧеРо, 1999. с 624.

<sup>74</sup> Қаранг: Широкогоров СМ. Этнос. Исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений. -Шанхай: «Сибпресс, 1923. с 136.

таълуқлидир. Табиийлика ҳар қандай конфессионал умумийлик ўзининг бошланғич даврида фақат маълум бир ҳудуддагина вужудга келади<sup>75</sup>. Кейинчалик конфессионал ривожланиш натижасида у ўз ҳудудини кенгайтиради ёки ўзгартиради (масалан жаҳон динлари). Маълум бир конфессиялар борки уларни аниқ бир географик ҳудудга эга, ёки шу ҳудуд билан болиқ. Масалан ислом дини биринчи ўринда Яқин Шарқ, Мағриб билан болиқ ушбу ҳудуднинг баъзи бир давлатларида эса бошқа дин тарқалган.

Биз этник умумийликга таълуқли бўлган келиб чиқиши тушунчасини конфессионал умумийлик билан боғламоқчимиз лекин бу умуман бир бирга алоқаси йўқ. Умумий тарих тушунчасини ҳар иккисига (этносга ва конфессия) алоқадор дейиш мумкин. Чунки бу билан болиқдир. Масалан: Ирланд католикларини тақдири Италян католиклари тақдирдан кескин фарқ қилади, ушбу конфессияъни тарихдаги ҳолати Испанияда бошқача, Белгияда бошқача бўлган. Асрлар давомида Болқондаги проваславлар ва украин, белорусерларидаги проваславларнинг тақдири ҳар хилдир.

Айтиб ўтиш лозимки этнослар катта ҳудудга эга бўлганлари ҳам уммий тарихий тақдирга эга эмас. Бу борада фақат Ю.В.Бромлей айтиб ўтканлиги ҳам бекор эмас.

Ю.В.Бромлейнинг фикрича этник умумийлик билан конфессионал умумийликнинг ўхшаш томонларидан бири оила масаласи<sup>76</sup>. Этнослар фақат ўз этносидагилар билан турмуш қуради. Бу эса конфессияга ҳам болиқ, яъни жаҳон динларида кўп кузатиладиган ҳолат ўзга дин вакиллари билан турмуш қуриш таъқиқланади. Немис католиклари ўзини биринчи немис деб билади, кейин эса католик сифатида, шу билан бирга кўпроқ австрия ёки филланд католиклари билан оила қуришни маъқул кўришади, бундай мисоллар жуда кўп<sup>77</sup>. Шндай қилиб хулоса ўрнида айтиб ўтиш мумкинки этнос ва

<sup>75</sup> Қаранг: Пучков П.И. О соотношении конфессиональной и этнической общностей // Советская этнография. –Москва: 1973. №6. С.51-64

<sup>76</sup> Қаранг: А.Аширов, Ш. Атаджанов. Этнология (ўқув қўлланма).-Тошкент: “Медиянашр”, 2007. 74.б.

<sup>77</sup> Қаранг: Пучков П.И. О соотношении конфессиональной и этнической общностей // Советская этнография, Москва, 1973. №6. С.51-64.

конфессионлар ўртасида умумий ўхшашликлар кўп, лекин уларни санаб ўтиш қийин.

Биринчи ўринда конфессионал ва этик умумийликдаги белгилардан бири бу: ўзликни англаш, ўз номига эга бўлиш.

Иккинчиси: умумий маданиятга эга бўлиш.

Учинчиси: тарихий хотира яъни тарихни умумийлигидир. Шунингдек тил умумийлиги, эътиқод ва бошқалар.

Қуйидагиларни ҳисобга олиб тўлиқ бўлмаган хулосани чиқарамиз. «конфессия ва конфессионал умумийлик» таъриф берамиз.

А) Диннинг бирор бир йўналиши, бошқалардан катта фарққа эга бўлган.

Б) Аниқ бир дин, у кўп конфессияларга эга бўлиши мумкин.

Шундай қилиб «конфессия» ва унинг синоними «эътиқод» бир бири билан мос тушуши ва «дин» тушунчаси билан унчалик мос тушмаслиги мумкин. Агар бир конфессионал дин ҳақида гапирсак унда юқоридаги терминларнинг ҳаммаси ҳам бир бирига мос тушади ва фарқ қилмайди.

Тўтинчиси: Икинчи термин бу «конфессионал умумийлик» (конфессионал гуруҳ, эътиқодий гуруҳ кабилар синоними). Кўпчилик олимлар конфессия ва конфессионал умумийлик терминини бир бирини тўлдирувчи ва ўрнини босувчи терминлар сифатида ишлатишни мақул кўради.

## II БОБ. ДИНИЙ-КОНФЕССИОНАЛ ВА ЭТНИК ОМИЛЛАР ДИАЛЕКТИКАСИНИНГ ЖАҲОН ДИНЛАРИ АРЕАЛИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

### 2.1. Буддавийлик маҳаллий кўринишлари пайдо бўлишидаги этник омиллар

Дунёнинг йирик диний эътиқодлари тажрибасидан малумки, ҳар бир дин ўз сарҳадидан ташқари чиққанидан кейин ундаги мавжуд маданий-маърифий унсурлар янги маҳаллий шароитга асосан икки хил сифатда фаолият кўрсатган: “ўзлашувчи”, “ўзлаштирувчи”.

Масалан, исломнинг Ҳинд ярим оролига кириб келганидан кейинги фаолиятига эътибор берсак, арим илмий наширлардан унинг ерлик халқларнинг ўзига хос маиший, ижтимоий ананалари таъсирида янги жиҳатларни “ўзлаштирган”лигини гувоҳи бўламиз.

“Ҳиндистонлик мусулмонларнинг маънавияти, урф-одатлари ва хатто улар эътиқод қиладиган ислом ҳам ўзига хос чизгилари билан Миср, Туркия, Эрон мусулмонлариникидан ажралиб туради”<sup>78</sup>.

Бу мухтасар таърифга мувофиқ, гарчи ҳинд ва мусулмонлар эътиқоди турли давр ва жамиятга тегишли бўлсада, аммо икки эътиқод вақилларининг ўзаро муносабатлари, ўртадаги муайян диний ва дунёвий зиддиятларга қарамаздан умумий турмуш тақозоси остида шаклланган. Бунда, қолаверса, туб ерлик аҳолининг диний манбалари фалсафаси ҳам ўзининг ижобий тасирини кўрсатган.

Лекин ҳинд тарихида ушбу воқеяликнинг акси юз берган ҳолатлар ҳам кузатилган, масалан, Будда талимоти тақдирида. Аввалига Маури сулоласининг буюк императори Ашока II ҳукмронлик қилган йиллар, яъни эрамиздан аввалги III аср айна буддизмнинг кенг тарқалиш йили бўлди. “Салтанат сарҳадларининг ниҳоят даражада кенгайиши ва жангларнинг бирида Ашоканинг Будда динини қабул қилиши ва вақилларни Яқин Шарқ, Македония ҳамда Жнубий-Шрқий Осиё мамлакатларига юборган”лиги

<sup>78</sup> Қаранг: Бобурнома. 2-қисм (Порсо Шамсиева ва Содик Мирзаевлар нашрга таёрлаган). -Тошкент: “Ўзбекистон”, 1949. 215. б.

буддизмнинг оммалашувига янги ҳудудларнинг очиб берди<sup>79</sup>. Бироқ Будда динининг қуйи табақалар манфаати ва ҳақ-ҳуқуқни таъминловчи ғоялари брахманизмнинг мафкураси билан аралашган миллий менталитет хусусиятларига бас келолмади ва оқибатда ортодоксал ҳиндупарастлар назаридаги “Янги ёт эътиқод” ўзининг байналминал руҳияти ва турли шароитга мослашувчанлиги боис қатор хорижий юртларда ўзлашишга муваффақ бўлди.

Бундай “мослашув ва ўзлашув”ни улуғлашдан назарда тутилган нарса шу эдики, “Ҳиндисонда табақаланиш тамал тошини ўз жойидан кўзгатолмаган Будда эътиқоди”, ўзининг Осиё қитъаси мамлакатларидаги жуғрофий кенгайиш даврида айрим шакилий ва фалсафий ўзгаришларга юз тутди. Бу ҳам етмагандек, пировардида ушбу маҳаллий таъсир ҳосиласи ўлароқ вужудга келган мактаб ҳамда йўналишларнинг ҳар бири, фақат ўзинигина ҳақиқий буддизм давомчиси эканлигига даво қилиб чиқди<sup>80</sup>.

Ўз навбатида буддизмнинг шундай аснода ёйилиб, ҳатто “необуддизм” шаклигача етиб келиши, унинг дастлаб фанда талқин этилган “диний ва даҳрий” асослардан кўпроқ маънавий-ижтимоий жиҳатлари таҳлилини келтириб чиқарди, чунки “Будда ўзи иккинчи синфга мансуб бўлгани учун биринчи синф, яъни брахманларга қарши турди ва у ўз талимотида, инсоннинг юксак даражаларга кўтарилиши, брахманларга нарзу-хаёт бериш йўли билан эмас, балки, риёзат йўли, яъни ўз нафсини қийнаш ва дунёвий лаззатлардан маҳрум қилиш орқали муяссар бўлишни мақсад қилди. Шунинг учун фақир синфлар унга эргашиб, у тарғиб қилган мазҳабни чин кўнгилдан қабул қилдилар”<sup>81</sup>.

Энди “Хитой буддизми”га келсак, бу воқеа ҳам Будданинг ўз роҳибларига берган қўйидаги кўрсатмаси амалиётининг навбатдаги ёрқин ифодаси эди:

<sup>79</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”, 2010. 390 б.

<sup>80</sup> Қаранг: Афанасий Никитин. Хождение за три моря. –Москва: Наука, 1953. с 6.

<sup>81</sup> Қаранг: Аш-Шахрастани. Книга о религиях и сектах. Част 1. (Перевод с арабского С.М.Прозорова). – Москва: Ислам, 1984. с 14.

“Роҳиблар, бошқаларнинг бахт-саодати ва фароғати учун боринглар-дунё кезинглар!”

Фандаги малумотларга кўра, “буддизм Хитойда тарқалиши тахминан эрамизнинг I асри ўрталари II асри бошига тўғри келади”. Аммо, бу хулоса буддизмнинг Хитойдаги фаолияти бошланишининг яғано муваффақияти эмас. Баъзи тадқиқотларда “буддизм милоднинг II асридан ўзининг “Маҳаяна” йўналишида Хитойда шаклланган”лиги айtilса, яна бошқа бир нашрда таълимотнинг I аср ўрталарида Марказий Осиёдан кейин Хитойга кириб келганлиги кўрсатилган ёки К. Ченнинг “Хитойда буддизм” асарида “Будда таълимотининг II асрдан Хитойда мустақкам позицияга эга бўлган”лиги баён қилинган<sup>82</sup>. Аммо, “Ҳинд миссионерларини ташрифидан сўнг Марказий Осиёда Будда ибидатхоналарининг қад кўтаргани ва III асрдан бу ўлкада Хитой буддистларининг таҳсил кўрганлар”ини ҳисобга олганда, буддизмнинг Хитойда I асрнинг иккинчи ярмидан диний эътиқод мавқеини эгаллай бошганлиги ҳақиқатга яқинроқ.

Дарвоқе, яна шундай маълумотлар ҳам борки, улардан дастлаб таълимот ғояларини бу ерда ҳинд ҳамда ўрта осийлик воизлар томонидан тарқатилганлиги ва фақат III асрдан бошлаб хитойликлар ичида ўз роҳиблари етишиб чиққанлиги хабар қилинган<sup>83</sup>. Демак, маҳаллий буддистларнинг Ҳиндистон билан мунтазам алоқалари ҳам шундан бошланган бўлиши керак.

Янги диний эътиқоднинг маҳаллий халқ диди, шарт-шароитига мослашуви ва вақт билан ўзлашувининг асрларга чўзилиши қанчалик табиий бўлса, шунчалик мушкул ҳам эди. Будда асосан Будда таълимоти орадан ўтиши керак бўлган давр ичида хитойликлар учун ўз маънавий озукасини манзур эта билиши, унинг тақдирини ҳал қиларди. Бундан ташқари, мазкур жараёнда диний матнларни Хитой тилида таржимаси, хос атамаларга муқобил ва тушунарли сўзларни истефодага киритиш ишлари жуда катта меҳнат талаб этарди.

<sup>82</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”, 2010. 390 б.

<sup>83</sup> Қаранг: Бхагавадгита (как она есть.-Бомбей:Изд-во "Бхактиведан- та Бук Траст", 1984г. с 437.

Масаланинг энг муҳим ва ўта нозик яна бир томони, Буддизм фалсафасининг мавжуд конфуцийлик этикаси ва тамойиллари билан мос тушмайдиган жиҳатлари муаммоси эди: агар хитойликлар учун оила жамиятнинг асоси бўлса, будпарастлар жамоаси бамисоли “давлат ичидаги давлат” саналарди. Шунингдек, бу мустақилликнинг императорлар якка ҳокимлигига путур етказиши мумкинлиги ва улар олдида Будда роҳибларининг таъзим бажо келтиришга монелик қилишлари талай ўзаро келишмовчиликларга олиб келганди. Лекин шунга қарамай, ерлик аҳоли янги диндан бегона сираса ҳам, уни янгилик сафатида қабул қилган, чунки бу таълимотда конфуцийлик ёритмаган “номаълум Дунё” кашф этилган эди<sup>84</sup>.

Буни Конфуцийнинг шогирди билан суҳбати мисол бўла олади;

Шогирд:

- Устоз, илоҳиёт ва руҳларга нисбатан Сизнинг муносабатингиз қандай?

Конфуций:

- Киши то одамлар билан муносиб муомала қилишни ўзлаштириб олмагунича, илоҳият ва руҳлар билан муносиб муомала қилолмайди.

Зеро, конфуцийликка нисбатан "Буддизм ўз аجدодларини улуғлаш анъанаси нуқтаи назаридан ҳаёт ва ўлимдан кейинги охират масалалари сингари саволларга қизиққан хитойликларга тегишли жавобни ҳавола қилишга тайёр эди"<sup>85</sup>.

Юқорида қисқача зикр қилинган янги диннинг Хитойда дуч келган айрим муаммо ва эришган мувафакциятларидан ташқари, мамлакатдаги мавжуд ҳар уч эътиқоднинг яна шундай характерли томонлари бор эдики, уларни конфуцийлик, даосизм ва буддизмнинг ўзаро муштарак ҳамда айни пайтда муқобил хусусиятлари, дея баҳолаш мумкин, улар: Конфуцийликнинг ташқи таъсир остида ҳам ўз ғоявий статусини сақлаш ҳисобига муқобил таълимотнинг "трансформация" сига эришди.

<sup>84</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”, 2010. 438 б.

<sup>85</sup> Қаранг: Антонова К.А. Очерки общественных отношений и политического строя могольской империи времен Акба-ра. -Москва: Наука, 1952. с 110.

1) Даосизмнинг конфуцийлик ижтимоий этикаси билан фарқли мистик дунёқарашлари рухан буддизмга яқин бўлгани билан аммо унинг мантиқан миллий эътиқодлиги. Хитой диний туйғуси бу хусусда ҳам ўзлигига — анъанавий рационализмига содиқ қолиб, нирвана ҳолатини ҳам инкор этди ва чан буддизми, медитацияга, хитой рухонийсининг илохий мунавварлик орқали моддий дунё мохиятини англаш туйғуси билан чегараланди. Демак, "хитойлик йог медитацияга кирганида, у ўз нигоҳи апрофидаги дунёнинг жами мўъжизаларини хис қилсин, кўра олсин!". Улар — табиатнинг сўлим гўшалари, коинот ва мавжудотнинг сир асрорлари, яъни "Осмон ва Ер"нинг кудрати ҳамда гўзаллиги..."

Мисол учун, хаттоки, буддапарастларнинг ўз ташаббуси билан кўрилган ибодатхоналардаги буддавий диний битиклар ҳам санскрит ёки палида эмас, хитой тилида ёзилган, Давр ва муҳит тақозоси билан Будда таълимотининг маҳаллий шароит талабларига фалсафий уйғунлашуви, хорижий эътиқоднинг янги - хитойча йўналишини кашф этди. Бу - "чан буддизм" эди<sup>86</sup>.

Хитой диний-фалсафий таълимотлари ҳамда жамияти талабларига монанд тажрибага эга буддизмнинг чуқур тафаккури махсулидан иборат бўлган "чан буддизми", дастлаб фақат хос эътиқод туйғуси сифатида шаклланди. Асосан жамиятда ижтимоий этика қонунлари устуворлигини тарғиб этган конфуцийлик ва рухий фазилатлар такомиллигидан мангулика чорлаган даосизм мафкураси қобиғида чан буддизмининг юзага чиқиши ва унинг таъсирида ерлик тақводорларнинг ўз ботиний оламига қизиқа бошлаши, фанда "Хинд буддизмига хитойларнинг реакцияси" деб баҳоланди<sup>87</sup>.

"Чан" сўзининг луғавий маъноси, мутахассислар фикрича, йога таълимотидан буддизмга ўтган "дхиана" ёки баъзи талаффузга кўра "дхаяна" босқичига яқин<sup>88</sup>. Аслида "дхаяна" "Аштанга йога"нинг еттинчи босқичи ёхуд мақоми бўлиб, унинг фалсафий мазмуни диққат эътиборни бир ерга

<sup>86</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”, 2010. 438 б.

<sup>87</sup> Қаранг: Ўша китоб. 438. б.

<sup>88</sup> Қаранг: Мўминов А, Йўлдошхўжаев Х, Раҳимжонов Д, Комилов М, Абдусатторов А, Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. –Тошкент: Меҳнат, 2004. 66 б.

жамланганидан кейинги мунавварликни билдиради. Ёки соф маънодаги дхяна холати сирли оламга чўмиш орқали "Асл ҳақиқат"га муяссар бўлишдир. Лекин Хитой диний туйғуси бу хусусда ҳам "ўзлиги"га - анъанавий рационализмига содиқ қолиб, нирвана меърожий манзилини инкор этди. Медитациядан кўзланган мақсад эса хитой рухонийси учун мунавварлик туйғусига нисбатан "Асл ҳақиқат" ёрдамида моддий дунё моҳиятини англаш билан чегараланарди, аниқроғи, чекланарди. Бунинг учун нирванага ноиллик ёки "Будда бўлиш" ҳам шарт эмас балки, талқинларига кўпроқ эътибор қилганлар. Улар сутраларни ёдлар, мағзини чақар ҳамда илохий матнлардан кашф этган ўз сир-асрорларини Хитой шароитида амалий истифода этишга уринардилар"<sup>89</sup>.

"Чан буддизмининг моддий аслиятга доир тушунчаси, хиссиёти ва унга даъвати шу қадар кучли эдики, токи инсон ўзини ўраб тўрган борлқни илм-билим воситасида ўрганиш ва идрок этиш ўрнига, уни онг ва хиссиётини қийнамай, ўз холича қабул қилсин, ўзлаштирсин!" Борлиққа бундай муносабат, қайсидир маънода илк буддизм мантиғи учун ҳам бегона эмасди, гуё Будданинг "яраланган киши" мисолида билдирган фикридек:

" Ярадорнинг ахволида ўзига ўқни ким ва уни нима мқсада узганлиги, рақибининг қандайлиги - масалан, у уйланганми ёки сўққабощми каби маълумотлар эмас, балки, уни жароҳат етган баданидан ўқни тезроқ чиқа ribs ташланиши кўпроқ қизиқтиради”.

Бу билан Будданинг таъкидламоқчи бўлган фикри, уни одатда у ёки бу масаланинг тафсилоти эмас, балки, фақат унинг мағзи қизиқтирган. Ёки мажозан айтганда: "Оламни ким яратган" ёхуд "Борлиқ қаердан ва қандай пайдо бўлган" деган саволлар эмас, аксинча "айни хозир, шу ерда нима воқеа содир бўлиб ўтганлиги муҳим"<sup>90</sup>.

Буддизм ўз диний-ижтимоий байналминал тамойилига биноан, Хитойда ҳам авом ва кибор учун хар икки катламнинг ўз онги ва орзулари асосида эътқод вазифасини ўтаган.

<sup>89</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”, 2010. 30 б.

<sup>90</sup> Қаранг: Клайв Эррикер. Буддизм. Москва: Наука, 2001г. 15.16 б.

Буддизмнинг Хитойга кириб келиши хитойликларнинг маданияти, урф-одати, миллийлиги ва бошқа деярли ҳаётнинг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказди. Буни биргина ҳайкалтарошлик санаъти мисолида олсак. Сидхарта Гаутама ҳинд бўлган лекин унинг Хитойдаги тасвирлари ва ҳайкалларида уни хитойлик қилиб тасвирланганлигига гувоҳ бўламиз. Албатта Хитой маданияти ва урф-одатининг буддизмга ҳам таъсир қилган буни биргина тил масалсида кўришимиз мумкин.

**Шри Ланкада Буддизм:** Буддизмнинг Шри Ланкага кириб келиши Ланка аҳолисининг қадимий эътиқоди бўлмиш “дарахт” култи билан бевосита боғлиқ эканлигига гувоҳи бўламиз. Буддизмнинг Ланкада тарқалиши сингал подшоҳинг янги эътиқодни қабул қилиши билан янада жонланган.

Оролдаги буддизм барқарор жойлар учун белгилардан бири, бу махсус, тошлар билан ихота қилинган “боддхи” дарахтининг муқаддаслиги рамзи сифатида улуғланиши эди. Чунки боддхи дарахтининг шоҳи Ашока ҳукмдорлигинг 18-йили дабдаба билан Ланкага келтириб Анурадхарурадаги Маҳавира ибодатхонаси ҳовлисига экилгач, боддхи култи сингаллар юртида муқаддас дарахтлар сирасига киритилган<sup>91</sup>.

Аслида “Ланкадаги буддизм”да боддхи дарахти ва унинг шоҳига урғу берилганлигининг асосий сабаби, сингалларда дарахт қадимдан осмоний худолар макони бўлган ва дарахтдаги руҳларнинг бахт каби бахтсизлик келтиришларига ҳам ишонилган. Масалан “Авалакадамая” матнларда дарахтларда одамхўр иблислар билан эзгулик маъбудаси яшашлари зикр этилган. Демак, узоқ ўтмишдан дуалистик мифга асосланган “келия” ретуали, эзгулик ва ёвизлик мужассам икки дарахт рамзида нишонланган<sup>92</sup>.

Дарахт омилига никоҳ ва болаларнинг туғилиши билан таълуқли маросимларда ҳам катта аҳамият берилган. Хусусан, бола туғилганида, сингаллар онадан сут келиши учун унинг йўлдошини латтага ўраб шарбат

<sup>91</sup> Қаранг: Семка Е.С. Структура некоторых цейлонских ритуалов и мифов в связи с культом деревьев (Индийская культура и буддизм.- Москва: "Наука", 1972. с115.

<sup>92</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”. 2010. 379 б.

чиқарувчи дарахтга боғлаб қўйганлар. Шу ва бошқа сабаблар туфайли аҳоли шарбат чиқарувчи дарахтларга сиғинганлар<sup>93</sup>. Аммо эзгулик бор жойда ёвузлик кучлари бўлишини инобатга олиниб, уларнинг ҳар иккаласига алоҳида рамзлар қабул қилинган: “рокиза илоҳлар” оқ яъни сут рангида, “норок иблислар” эса қизил- қон рангида. Айни шу маънода никоҳ тўйи куни келинларнинг уйи фақат оқ мато билан безатилган<sup>94</sup>.

Ланка буддарастанлари орасида мерожий мақомга муяссар боддхи шу қадар муқаддас саналганки, у ўзга шарбат берувчи дарахтлардан фарқли ўлароқ, ҳатто ретуалларда ўқиладиган дуою афсунлар жараёнига дохил этилмаган. Ақидага кўра, уни иблислардан нопокликдан бу қадар айри тутилишига сабаб, Будданинг ҳаётидаги барча муҳим воқеалар муқаддас дарахтларга талукли кеган ва улар қуйидаги ҳолатларда юз берган:

1. Будданинг онаси Лумбини дарахтзорда сайр қила туриб, тулғоқ тутиб кўзи ёриши вақтида муқаддас "Сала" дарахтига суянган.
2. Будда уйини ташлаб чиқиб кетганида етти кун "анбах" чангалзор ўрмонда истиқомат қилган.
3. Будда баниян дарахти тагида ўтирган вақтида нирванага ноил бўлган.
4. Будда Хиндистондаги Жетавана боғига ташрифи пайтида дарахт-илоҳи ўз шохларини унинг боши тепасида соябон қилиб турган<sup>95</sup>.

Демак, Ланка аҳолиси қадим диний тушунасидаги дарахт муқаддаслигининг боддхи шохида акс этиши, яна бир бор буддизмнинг барча ўзга илоҳий пантеонни ўзлаштириш анъанасига ёрқин далил, дейиш мумкин. Динда илоҳийлик мартабасидан подшоҳлар ҳам четда қолмаган. Зеро, боддхи дарахтига тааллуқли ривоят ва ҳикоятларда подшоҳга ҳам илоҳликнинг ажралмас бир қисми, деб қаралган. Бамисоли бутун дунё асосий Илоҳнинг бир гулбоғию, подшоҳ эса унинг боғбони.

<sup>93</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”. 2010. 380 б.

<sup>94</sup> Қаранг: Струве В.В. История древнего востока. Отгиз. –Москва: Госполитиздат, 1941. с 186.

<sup>95</sup> Қаранг: Семёна Е.С. Структура некоторых цейлонских ритуалов и мифов в связи с культом деревьев (Индийская культура и буддизм. –Москва: "Наука", 1972. с 122.

"Будда эътиқодининг оммалашуви йўлида сингал давлатлари катта маблағлар ажратган. Яъни, подшоҳлар ибодатхоналарнинг қурилиши, уларнинг маҳобати ва нуфузи учун ўз марҳаматларини дарик тутмаганлар. Ҳатто ҳар бир қишлоқдаги ибодатхона роҳиби хонадони учун махсус мутасадди хизматкорлар тайинланган"<sup>96</sup>.

Ланкада кенг қулоч ёйган ибодатхоналарда маҳаллий роҳиблар диний фалсафа ва ақидаларни ўрганиш ҳамда буддизмнинг санскрит, пали, сингал тилларидаги матнларини ёдлаш ишларида жонбозлик кўрсатганлар.

**Япон буддизми:** Япония Шарқий Осиё цивилизациясини яратишда ўз муносиб хиссасини қўшган мамлакатларнинг бири. Шунинг учун япон тупроғида "тарихий интизом" тушунаси ҳамisha аجدодлар култи орқали синтоизм билан чамбарчас боғлиқ бўлган<sup>97</sup>. Демак, давлатнинг сиёсий-ижтимоий стратегиясини дин билан муштарак равишда белгиланиши - бу синтоизм маросимларининг расмийлаштиришни талаб этувчи шарт эканлиги ўз-ўзидан маълум хақиқат эди.

Японларга "синто" сўзининг ўзи хитойлардан ўтганлигини инобатга олгудек бўлсак, у ҳолда хитой ва корейс миграцияси билан бирга Японияга кириб келган конфуцийлик ва даосизм матнлари, маънавияти ҳамда этикаси унсурларининг асрлар оша синтоизмда ўз аксини топиб улгурганлигига ҳеч шубҳа қолмайди.

Аммо бу омил ҳали кунчиқар мамлакатда буддизмнинг ёйилиши ва унинг тақдирини фақатгина миграция ҳал қилганлигига асос бўлолмайди. Шунинг учун қатор тадқиқотларда япон халқи тарихидаги бу муҳим воқеанинг содир бўлиши, наинки фақат хитойлик ва корейлик мансабдор ё хизматчи муҳожирлардан, балки, уни маҳаллий ҳукумат аъзоларининг буддизмга бўлган турлича муносабати ҳамда унинг келгусидаги оқибатлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан кўрилади. Япон солномасидаги 552 йилга оид бир хабарда, Пекче хукмдори Соммённинг подшо Я Маю Ечиммейга

<sup>96</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”, 2010. 379 б.

<sup>97</sup> Қаранг: Мень. История религии: в поисках пути и жизни. -Москва: Наука, 2001. с 90.

тилла суви юритилган Будда хайкалчаси ва бошқа диний ашёларни совға қилганлиги ҳамда маъбудга сиғинилса албатта муроди ҳосил бўлишини айтганлиги ёзилган. Яъни, меҳмоннинг сўзларига қараганда, гуёки "Буддадан нимаки сўралса, муҳайё бўлиши мукаррар!".

Шундан кейин "Нихон секи"да императорнинг меҳмоннинг сўзларини охиригача тинглаб, юраги тўлиб йиғлаб юборганлиги ва бу хусусда ўз фикрини изхор этганлиги баён қилинган:

"Биз хозиргача Будда ва унинг ажойиб қонуни ҳақида ҳеч эшитмаган эдик. Лекин эътиқодга оид бу масалани якка ўзимиз ҳал қилолмаймиз. Қолаверса, ғарбдаги кўшниларибиз томонидан тортиқ қилинган Будданинг бундай киши кўзини қамаштирувчи рўйи рухсорини илгари мутлақо кўрмаган эдик"<sup>98</sup>.

Мазкур мушоҳаданинг муайян тарихий сабаблари "Нихон секи" саҳифаларида ёритилган бўлиб, улар ҳукумат аъзоларининг буддизмга бўлган турли муносабати ҳамда унинг келгусидаги оқибатлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ниҳоятда муҳим ҳужжатдир. Ёки 756 йили "Нара" ва "Хеян" маросимлари бўсағасида қироличанинг қилган маърузаси ҳам, япон буддизми тарихига оид маълумотлар сирасидан;

*"Хитоб қиламан, бугун шундай кунки, ҳамма қирмизи яноқлар билан биринчи ҳосилнинг тантанавор зиёфатидан ҳузурланмоқда. Аммо бу анжуманнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, Биз Буддага бўйсуниб, боддҳисатва васиятини қабул қилдик". Шу боисдан Биз "У жавоҳир"га ҳизмат қилишни истаймиз, яъни Буддага, "дхарма"га ва буддапарастлар жамоаси "сангх" ҳамда ундан сўнг самовий ва ердаги илоҳлар масканларига, кейин эса Бизда фаолият кўрсатаётган қиролларга, олий мақом зотларга, юз нафарлик мутасадди мансабдорларга ва бутун "Осмон ости" халқларига! Зеро Биз, "Осмон ости"ни шу тариқа бошқаришни ўйлаймиз. Ваҳоланки, баъзи одамлар фқат ма- на шу "У жавоҳир"ни етаклаб ўтилсагина Камига ёндашмоқ мумкин деб тушунадилар. Аммо, агар сутраларга диққат билан*

<sup>98</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: "Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси", 2010. 379 б.

қаралса, барча илоҳлар Будданинг муқаддас қонунларини авайлаб ўқиганликлари аён бўлади. Демак, Буддага қасам ичиб уйини ташлаб чиқиб кетганлар ва "оқ шойилар" аралаш тарзда йиқилишига хизмат қилишлари мумкин"<sup>99</sup>.

Иқтибосидан яққол кўриниб турибдики, Осмон ва Ер илоҳларига топиниш Буддага ибодат қилишдан алоҳида бажарилган. Шунинг учун маърузада вақтинча "алоҳидалик"ни йиғиштириб, тадбирда хизмат қилиши мумкинлиги айтилган<sup>100</sup>.

Будда таълимотининг Японияга ташрифи тарихида яна аллақанча ижобий ва салбий характердаги воқеалар силсиласи тавсиф этилган. Шунингдек, аксарият тадқиқот хулосаларида бу вақтда синтоизм буддизмга маънан тобе бўлганлиги таъкидланган. Нега деганда, ҳали "синтоизм" дин сифатида тегишли босқиларни босиб ўтиб, етуклик даражасига кўтарилмаган бир пайтда, буддизм Хитой ва Кореядаги ўз фаолиятида ҳатто давлатлараро муносабатларга ҳам мослашиб улгурган" эди<sup>101</sup>.

Яъни: аср охирида расмий давлат маҳкамаларида Будда тасвирлари кўйилиб, шунингдек, юзлаб ибодатхоналар қуриб битирилган; муқаддам рақобатдаги диний тасаввурлар ўрнини синтоизм ва буддизмнинг тубдан "бири иккинчисига бегона эмас"лиги ва Рёбу синто — синтоизм илоҳлари қайта туғилишда Будда сиймосида дунёга келганлиги тарғиб қилинган<sup>102</sup>.

Давлат диний сиёсатининг бу томонини, яъни унинг ҳар икки эътиқоднинг ибтидоий муштараклиги тарафдори эканлигини, То-дейдзи ибодатхонасининг қурилиши ва Будда—Вайроана маъбудини бунёд этилишидаги саъй ҳаракатларда кўриш мумкин эди. Синтоизм ва буддизм роҳибларининг ўзаро муносабатлари ҳамда уларнинг диний байрам ва

<sup>99</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”, 2010. 568 б.

<sup>100</sup> Қаранг: Ермаков А.К. Культы и верования в раннем периоде японской культуры.(Синто-путь японских богов.). -Санкт-Петербург: "Гиперион", 2002.г. I-том. 16 б.

<sup>101</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”, 2010. 569 б.

<sup>102</sup> Қаранг: Ўша китоб. 570 б.

маросимлардаги иштироки давлат томонидан иккала диний эътиқодни баробар қўллаб-қувватланаётганлигининг ёрқин намоёнишига айланганди<sup>103</sup>.

Аmmo бу сиёсий йўналишда давлат миқёсида "соф япон дини" мохиятини сақлаб қолишга йўналтирилган ҳаракатлар ҳам йўқ эмасди. Шунга қарамай, давлат томонидан "хорижий эътиқод"га нисбатан синтоизм софлиги учун яратилган имкониятлар, икки дин ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик руҳи устуворлигига "бас келолмади" ва ушбу диний тизимларнинг ўзаро жипслашуви қуйидаги асосларда намоён бўлган:

1. Синто ва буддизм ибодатхоналарини бир-бирига яқин масофада қурилиши, уларнинг икки қисмида муқаддас санамларни сақланиши ва ибодатни асосан очик ҳавода ўтказилиши тенденцияларининг жорий этилганлиги.

2. Будда ибодатхоналари ҳудудида синтоизм меҳробларининг қурилиши ва буддизм таъсири остида синтоизм ибодат масканларида илоҳларнинг антропоморф шаклларда пайдо бўлиши.

3. Динларнинг давлат фаолиятида тутган мавқеининг тасдиғи сифатида илоҳларнинг роҳиб ёки мансабдор кийимларида тасвирланиши<sup>104</sup>.

Лекин XI асрдан Японияда хокимият регент — муваққат ҳукумат қўлига ўтиши билан мамлакатда бошланган ўзгаришлар буддизм мохиятини синтоизмдан юқорироқ поғонага кўтарди. Фудзиама хонадони регентлари даврида буддизм давлат дини мақомига ўтди<sup>105</sup>. Дин ва давлат манфаатлари ўртасидаги ўзаро яқинлик шу даражага бориб етдики, "аввал императорнинг бевосита дин раҳнамози бўлиши шарт бўлган бўлса, энди ҳукуматнинг барча нуфузли раҳбарлари қартайганида мансабларини қўлдан бермаслик учун роҳибликка ўта бошладилар.

Шундай қилиб, маъмурий раҳбарият маркази Будда ибодатхоналарига ўтказилганидан кейин, буддапараст рухоний арбоблар ўз қўлларида жуда катта кучни жамлашга муваффақ бўлдилар ва Будда ибодат масканла-

<sup>103</sup> Қаранг: Васильев Л.С. История религии востока. -Москва: Наука, 2000. с 359.

<sup>104</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”, 2010. 572 б.

<sup>105</sup> Қаранг: Ўша китоб, 573 б.

рининг иқтисодий ҳамда сиёсий имкониятлари ўз таъсир доирасини жуда кенгайтириб юборди. Хатто ҳукумат буйруқларига буйсунмай қуйган баъзи йирик ибодатхоналар ўзларига янги имтиёзлар берилишини талаб қилишга киришдилар<sup>106</sup>.

Шунингдек, кейинги асрларда ҳам буддизмнинг табиатига хос байналмилаллиги, яъни ибодат даргоҳи эшикларининг ҳаммага очиклиги ҳамда унинг мавжуд муҳит вазиятига қараб иш тутиш анъанаси сёғунларнинг узоқ давом этган ҳукмронлигида яна асқотди — Будда эътиқоди сёғунларга илохий таячн бўлиб қолаверди. Таълимотдаги собиқ секталар ўрнига "Дзёдо" ёки "Нитерен" сингари янгиларининг пайдо бўлиши, буддизмнинг ўрта асрларда ҳам ҳамон Японияда ўз мавқеи ва мохиятига эгалигининг белгилари эди<sup>107</sup>. Тўғри, аввалига буддизмнинг турли — классик ва модификация шаклида шитоб билан оммалашуви Шарқий Осиёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам бир хил ўтмади. Агар ушбу жараённи Япония мисолида кўрадиган бўлсак, "бу даврда японлар мингйилликлар давомида шаклланиб улгурган хинд фалсафий парвозини ўзлаштиришга тайёр эмасдилар". У ерда ҳали ҳеч ким сансара, карма, нирвана сингари Будда таълимотига хос фалсафий тушуналарни тасаввур ҳам қила олмасди. Шундай бир ҳолатда икки дин, икки миллат, икки дунё қарашлар ўртасидаги тафовут муаммосини янги дин ғояларининг маҳаллий мистиклар тажрибасидан устун келганлиги ҳал қилди десак, хато бўлмас.

Шу тариқа японлар Будда диний эътиқоди асослари билан танишга, унинг ёрдамида ўз онгларига сингиб кетган синтоизм тушунасига хос нопокликнинг энг тубан кўриниши ҳисобланган ўлимни ҳам энгиш мумкинлигига—нирванага муяссар буддапарастнинг қайта қазога маҳкум этилмаслигига шубҳасиз ишонганлар. Буддани японлар ҳудди шу мантиқ сиймоси сифатида океан ортидаги қудратли тангри Ками сифатида қабул қилганлар<sup>108</sup>.

<sup>106</sup> Қаранг: Васильев Л.С. История религии востока. -Москва: 2000г. с 360.

<sup>107</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавкий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”, 2010. 572 б.

<sup>108</sup> Қаранг: Яблоков И.Н. Религиоведение. -Москва: "Гидрарики", 2000. с 165.

Яна, буддизмнинг ўрта асрлардан ўзининг бу диёрдаги узоқ келажагига қўйган хатолар қадами, Хитойдаги "чан буддизми"га ўхшаш "Дзен буддизми" мақомида япон маданияти ҳамда санъатининг бетакрор услуби ва намуналарини кашф этди. Бу — кунчиқар мамлакатда қадим ўтмишдан аждоддарни келажак авлодлар билан узвий боғлаб турувчи абадий маънавият риштаси бўлиб қолишга ҳақдор дзен эстетикаси эди.

Бизнинг ўйлашимизча, буддизмнинг турли йўналиш ва мактаблари мавжудлигини инкор этаётгани юк, балки, таълимотнинг асосига бўлган муносабатнинг турли тус олганлигига ишора қилади. Афсуски, юқоридаги "кашфиётлар"ни қайсидир маънода ҳозир ҳам кузатиш мумкин ва бу жараён фақатгина буддизмгагина тааллуқли эмас.

"Сўнги йилларда синтоизм тушунчаси шунчалик турли-туман ҳамда ўзаро қарама-қарши талқинларга дуч келмоқдаки, Япониянинг ўзида ёки ғарб мутахассислари ҳам ушбу эътиқодни ўз номида истифода қилмаслик ва унга "аниқлик" киритиш ҳаракатидалар, яъни **"Ибодатхона синтоизми"** ёки **"Ёсида мактаби синтоизми"** каби номларда расмийлаштириш хусусида"<sup>109</sup>.

Ҳолбуки, дунёнинг деярли бачра диний эътиқодларида тор ё кенг маънода юз берган фирқаланиш жараёни, ҳеч бир замонда ёки жамиятда аксарият томонидан ижобий маънода қабул қилинмаган. Буддизмнинг япон жамиятига ўтказган энг катта таъсиридан бири, ҳар бир япон синтоист бўлиб туғилади ва буддист бўлиб вафот этиши тўғрисидаги ақидадан ҳам билиб олсак бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ҳиндистонда вужудга келиб жаҳон динига айланган буддизмнинг жаҳон халқлари ҳаётига, маданиятига, динига ва бошқа ижтимоий жиҳатларига қилган таъсирини ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик. Бу изланишларни давом эттириш бугунги кун диншуносшлари олдида турган вазифалардандир.

<sup>109</sup> Қаранг: Ермаков А.К. Культы и верования в раннем периоде японской культуры. (Синто-путь японских богов.). -Санкт-Петербург: "Гиперион", 2002г. I-том. с 13.

## 2.2. Христианлик этнолокал шакллари юзага келиши хусусиятлари

Христиан динидаги тоифа ва фирқаларга ажралиш асосан Исо (а.с) вафотидан 3-4 аср кейин юзага кела бошлаганлигини кўриш мумкин. Исо (а.с) ва онаси Марямнинг шахсияти, Исо (а.с)нинг туғилиши ва ўлими тўғрисида бир-бирига зид бўлган фикр ва тушунчалар юзага келди. Буларнинг барчаси, христианликни бир неча фирқа ва мазҳабларга бўлиниб кетишига сабаб бўлди. Фирқа ва йўналишларнинг тарқалиши турли миллат ва элат вакиллари уларнинг эътиқодларини ўзларига қабул қилишганида миллий хусусиятлардан келиб чиқишдими ёки аксинча бўлиб, миллатга мослашдими? Масалан: Нима учун Киев Руси православликни қабул қилди, католикликни эмас? Бугунги кунда мана шу саволлар долзарб бўлиб турибди.

Бугунги кунга келиб эса христианликнинг бу йўналишлари деярли бир-бирларидан мустақил тарзда фаолият олиб бормоқдалар. Биз эса бу йўналишларнинг этносга ёки этнокоффеционал жамоаларга таъсири қай даражада бўлганлигини кўриб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Католиклик деганда албатта кўз олдимизга Рим, Италия ва италияликлар келади ёки бўмаса италияликлар деганда католик йўналиши вакиллари тушунамиз. Шундай нарсани Рус Православ черкови, Англикан черкови йўналиши ва яна бошқаларни мисол тарзида келтиришимиз мумкин. Бунинг сабаби нимада? Сабаби бу дин халқ ҳаётига шунчалик таъсир қилганми ёки юқорида санаб ўтилган миллатларнинг динга таъсири шу даражада катта бўлганми? Бу каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз

Динларнинг этнолокал шакллари пайдо бўлишида этник бирлик, жуғрофий жойлашув ва тарихий шаклланиш ўзига ҳос аҳамият касб этади. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, қибтий<sup>110</sup> (копт) насронийлари эътиқодий жиҳатдан христианликнинг православ оқимига мансуб ҳисобланадилар,

<sup>110</sup> Қибтий – “айгюптос”. Маъноси “мисрлик”. Улар қадимги мисрликларнинг тўғридан-тўғри авлоди саналишади.

лекин бу маслак вакиллари озчиликни ташкил этиб, Миср ва Эфиопия худудидагина тарқалиб, ривожлангани фикримизнинг яққол мисолидир<sup>111</sup>.

Қибтий насронийларнинг айнан Миср худудида пайдо бўлиши ва тарқалишига биринчи сабаб “муқаддас ер” билан боғлиқ ҳодисадир. Унда айтилишича, ёш Исо, Биби Марям ва унинг эри Юсуф айнан Нил бўйида тўрт йил беркиниб ҳаёт кечиришган. Иккинчидан, Александрия қибтийларнинг қадимда муқаддас ҳисобланган черков марказларидан бири саналган. Мазкур черков православ йўналиши тармоғига кирсада, унда бу тизимнинг бошқа черковларидан фарқ қилувчи жиҳатлари мавжуд. Бу, мазкур черков таълимотига Миср халқи урф-одатлари қўшилиб кетиши натижаси ҳисобланади. Жумладан, қибтийларнинг муқаддас байрамлари сирасига кирувчи “Жам ан-Нассим”<sup>112</sup> номли баҳор байрамининг илдизи ҳам қадимги Миср ҳаётига бориб тақалади. Мазкур байрам фиръавнларнинг махсус маросими саналган. Юқорида санаб ўтилган сабаблар, яъни илк цивилизация ўчоқларидан ҳисобланган Мисрдаги тарихий жараёнлар ва урф-одатлар янги оқимнинг вужудга келиши ва ривожланиб, тараққий этишида муҳим омил бўлган.

**Католик йўналиши.** Христиан дунёсига мансуб бўлган йўналиш. Бу жамоа, ўзини Исо (а.с)нинг вакили Авлиё Пётрга боғлайди. Папа, айна пайтда Ватикан давлатининг бошлиғи ҳам саналади. Папани кардиналлар сайлайди<sup>113</sup>. Тартиб бўйича кардиналлардан кейин епископлар ва роҳиблар келади.

**Ортодокс мазҳаби.** Ортодокс, тўғри фикр ва чин эътиқод маъноларини билдиради. Римнинг устунлик даъвосига қарши Византия Патриклиги, ўзининг тўғри йўлда эканлигини, устунлигини билдириб қўйиш учун ушбу

<sup>111</sup> Қаранг: Пучков П.И. Коптская православная церковь // Народы и религии мира. Энциклопедия. Москва: Научное изд-во «Большая Российская энциклопедия», 1999. С. 755-756.

<sup>112</sup> “Жам ан-Нассим” – Маъноси “ғарб шамолининг ҳушбўй иси”. Қибтийлар томонидан ҳар йили 7-январда нишонланади.

<sup>113</sup> Қаранг: Мўминов А, Йўлдошхўжаев Ҳ, Раҳимжонов Д, Комилов М, Абдусатторов А, Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. –Тошкент: Меҳнат, 2004. 11Б.

номни олган. 1054 йилдаги шарқий ва ғарбий Рим империясига бўлинганидан кейин Византия, ортодокс йўналишининг маркази бўлиб қолди<sup>114</sup>.

Ортодокс оламида тўртта катта патриархлик мавжуд. Улар: Истанбул, Искандария, Антакия ва Қуддус патрикликларидир. Кўп сонда миллий черковлар, бу тўрт патрикликка боғлиқдир. Лекин булардан ташқари мустақил ва қисман мустақил бўлган черковлар ҳам бор. Монофизит черковлари билан бирга юқорида саналганлар, ягона “Шарқ черковлари” номи остида кўрсатилади. Шу билан бир қаторда Истанбул патриклиги; Фенер патриклиги ёки Рим ортодокс патриклиги деб ҳам аталади<sup>115</sup>.

Ҳозирги вақтда Православия таркибида 15 та мустақил (автокефаль) черков мавжуд. Булар Константинопол, Александрия, Антиохия, Қуддус, Рус, Грузин, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албан, Поляк, Чехия ва Словакия, Рус ва Америка черковларидир.

Юқорида санаб ўтилган проваслав черковларининг номланишига ҳам алоҳида эътибор берсак уларнинг аксарияти ўша миллат ёки халқ номи билан аталганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан: Рус Православ черкови, Грузин Православ черкови, Серб Православ черкови, Румин Православ черкови, Болгар Православ черкови, Албан Православ черкови, Поляк Православ черкови, Чехия Православ черкови, Словакия Православ черкови ва Америка Православ черковлари.

Албатта, бу тасодиф эмас, балки, бу миллат ёки халқнинг миллийлигига таъсири нақадар катта бўлганидан далолат бериб туради. Ўрганиш деярли барча христиан йўналишларида библия – инжиллар она тилига таржима этилиб, ибодат маросимлари ўз она тилларида олиб борилишига далолат қилади.

**Протестант мазҳаби.** Протестант сўзи “бош кўтарган”, “норозилик билдирган”, “эътироз қилган” каби маъноларни билдиради<sup>116</sup>. XVI асрда Мартин Лютер (Мартин Лутхэр; 1489-1546), Рим Католик черковининг

<sup>114</sup> Қаранг: Пучков П.И. Несторианство // Народы и религии мира. Энциклопедия. -Москва: Научное изд-во «Большая Российская энциклопедия», 1999. С 79.

<sup>115</sup> Қаранг: Альтерматт У. Этнонационализм в Европе. -Москва:Российский гос. гуманитар. ун-т, 2000. с 367.

<sup>116</sup> Қаранг: Амирьянц И. Сабии // Народы мира. Историко-этнографический справочник. Советская энциклопедия. -Москва: Наука, 1988 С. 390

гуноҳларни кечириши, буни эса молиявий бир восита холига келтириб олиши, муқаддас китобни тафсири ва ҳукм чиқаришни ўзигагина хос деб билиши, маросим тилининг лотинча бўлиши каби асосларига қарши чиқиб, эътироз ва норозиликни бошлаб берган<sup>117</sup>. Шу ўринда, нима сабабдан протестантлик ҳаракати айнан Германияда вужудга келди, деган савол вужудга келиши табиий бир ҳол. Маълумки, ўша даврда германлар ачинарли ҳаёт кечиришар, руҳонийлар эса Римдан юборилар, улар немис тилини билишмас ва халқнинг ҳаёти билан ишлари ҳам йўқ эди. Мартин Лютернинг асосий эътирози ҳам руҳонийларнинг немис тилини билмасликларига қаратилган эди. Шундан кейин библия – инжиллар она тилига таржима этилиб, уни ўрганиш ва шарҳлаш гуноҳ ҳисобланмайди, деб эълон қилинди. Бундан кўриниб турибдики, протестантлик йўналишини вужудга келишида этник омил муҳим ўрин эгаллаган, деган хулоса чиқаришимиз мумкин бўлади.

**Арманий черкови (Григорян Христианлик).** Арманий умумий номи остида билинган жамоат, христианлик ёйилган илк даврда, Таддей (Тхадеус: 35-43) билан Бартоламей (Бартхоломеус: 46-60) томонидан мушарраф бўлганликларини, 301-йилда эса келиб чиқиши турк бўлган Азиз Григорий (Грегоире) бошчилигида омматан христианликни қабул қилганликларини айтадилар. Улар, жамоат ҳолида христианликни қабул қилганлардан бўлишганлигини ва “Апостолик” (ҳаворийларга оид) бир хусусиятга эга эканликларини даъво қиладилар<sup>118</sup>.

Арманий черковларининг миллий хусусиятга эга эканлигини, Исо (а.с) ёйган христианликда бу хусусиятнинг мавжудлигини, Исо (а.с)нинг инсоний табиатининг илоҳий табиати ичида эриб биргина ягона табиат ташкил топганлигини, христианликнинг қадим ва апостолик характерга эга эканлигини айтуви Арманийлар; кейинчалик католик ва ортодокс деб иккига бўлинадиган христианлардан ажралганлар. Бундан кейин Арманийлар, христиан дунёсида ўзгача бир христианликнинг намоёндалари бўлишган;

<sup>117</sup> Қаранг: Амирьянц И. Сабии // Народы мира. Историко-этнографический справочник. Советская энциклопедия. -Москва: Наука, 1988 С. 390

<sup>118</sup> Қаранг: Амфитеатров А. Армянский вопрос // Армяне. -Ереван: Луйс, 1991. С. 164-223.

Григорян христиан мазхаби, Григорян Арманий черкови сифатида бўлиниб келганлар. Бу Григорян христианлиги туркий халқларга оид баъзи бир хусусиятга эгадирлар, деган хулоса чиқариш имконини беради. Бу ва қуйида маълум қилинадиган баъзи хусусиятлар туфайли католик ҳамда ортодоксларнинг тазйиқи ва зулмига дучор бўлганлар.

Григорян Арманийлар орасида миссионерлик фаолиятлари, диний ва кўпроқ сиёсий сабаблар билан ўз таъсирини ўтказган. Натижада католик ва протестант бўлган арманийлар юзага келган. Франциянинг воситаси билан Истанбулда 1830 йилда католик арманий черкови; Америка ва Англиянинг қўллаб-қувватлаши ва ҳимояси остида эса 1847 йилда протестант арманий черкови расман ташкил этилган. Бугунги кунда дунёда Григорян арманийлардан ташқари католик ва протестант арманийлари ҳам мавжуддир.

**Англикан черкови.** XVI асрдаги ислохот ҳаракатларидан кейин Англияда вужудга келган христиан мазхабидир. Англиканизм, протестантликнинг Англияга хос шаклидир. У католиклар билан ислохот ҳаракати протестантлик орасида яраштирувчи бир сиёсат олиб борган. Англияга хос бўлган бу мазхаб, Муқаддас китобга боғлиқ ва қисман ислох қилинган бир католик оқими сифатида баҳоланади. Англикан черкови, ташкилот ва маданият ҳаёти жиҳатидан католикликка яқин<sup>119</sup>.

Англиканлар, Папанинг мутлақ ҳукмронлиги фикрини эътироф этадилар. XVI асрдан бери ибодат тили учун лотин тили ўрнига инглиз тилини қўллайдилар. Тарафдорларига Муқаддас китобни инглиз тилида тақдим қиладилар. Англикан черковининг раҳнамоси қирол ва қироличадир. Бу черков, давлатнинг расмий черкови бўлиб, давлат томонидан ҳимояланади ва қўллаб-қувватланади. Черковдаги маросим ва анъаналарда миллийликка асосланилади.

Таниқи немис олими М.Вебер нима учун капитализм ғарбда шаклланди, деган саволни ўртага қўяди ва унга жавоб топишга ҳаракат қилади. Ғарбда маҳсулотдан фойда олиш олдиндан шаклланган, лекин бу нарса шарқ

<sup>119</sup> Қаранг: З.Андреев И. Д. Англиканская церковь // Христианство. Энциклопедический словарь. В 3 т. Т.]. Москва: Научное изд-во «Большая Российская энциклопедия», 1993. С. 75-80.

давлатларида бўлганку? Нега энди капитализм шарқда эмас, ғарбда шаклланди, балки бунда диннинг роли бордир, деган саволни кўяди ва калвинизмни<sup>120</sup> чуқур ўргана бошлайди. Калвинизмга кўра жаннат ва дўзахга кирувчилар аниқ белгилаб кўйилган. Шунинг учун ҳам католиклар бугунги кунлари билан яшайдилар. Протестантлар нафақат бугунги кунлари балки, эртанги куни билан ҳам яшайдилар.

Олим Англия ва Нидерландиянинг ривожланиб кетишида айнан протестантликнинг омилини сезади. Унинг фикрича, католик мазҳабига мансуб Италия ва Испания эса бу даврга келиб Англия ва Нидерландиядан ортда қола бошлайди. Айнан толерантлик протестантизмда мавжуддир, деб эътироф этади. М. Вебер инквизициядан қочган кишилар айнан шу худудлардан паноҳ топишган ва эркин фаолият олиб боришган.

М. Вебер уларга асосланиб шундай фикрларни илгари сурадики, буюк анъаналар ғарб ва шарқ ривожининг йўналишлари фарқига сезиларли таъсир кўрсатган, яна ҳам аниқроғи, яҳудийлик, христианлик ва ислом социал ҳаётни рационаллаштиришга ҳиндуийлик, буддизм, кофуцийликка қараганда кўпроқ таъсир кўрсатганини асослаб беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, христианлик дини европа халқлари ва давлатларини маданияти, урф-одати ва ривожланишига бевосита таъсир қилганлигини кўрдик. Бу эса диннинг жамият ҳаётига таъсири ҳар доим ҳам сезиларли бўлганлигини яна бир бор исботлайди.

### **3.3. Ислом дини доирасида юзага келган этноконфессионал жамоалар**

Диншуносликда “динларнинг этнолокал шакллари” тушунчасининг пайдо бўлишининг ўзига хос хусусиятлари айнан ўша жамият кишиларининг ҳаёти, яшаш муҳити, тили, маданияти ва у ердаги тарихий жараёнлар билан боғлиқдир.

“Этнолокал” терминига тўхталадиган бўлсак, мазкур атама икки сўз “этнос” ва “локал” сўзларининг қўшилиши натижасида шаклланган. Луғат ва

<sup>120</sup> Қаранг: Калвинизм-христиан дини мазҳабларидан бири.

адабиётларда “этнос” деганда муайян тарихий шароитлар сабабли бир худудда шаклланган, умумий маданий бирликка эга бўлган кишилар жамоаси, ёки халққа айтилади<sup>121</sup>. “Локал” сўзи “маҳаллий”, “маълум бир жойдаги”, “муайян жой билан чегараланган” каби маъноларни англатади<sup>122</sup>. Динларнинг этнолокал шаклини миллий динлардан ажратиш лозим. Маълумки, миллий дин деганда “муайян миллатга хос динлар” назарда тутилади<sup>123</sup>. Диннинг этнолокал шакли эса кўп халқлар орасида тарқалган муайян диннинг (қайси таснифга киришидан қатъи назар) ёки унинг қандайдир йўналишининг маълум худудда ва бир этнос доирасида этнобелгилувчи сифатида ўрнашиб қолишидир. Жумладан, форс ёки эронлик деганда кўпчиликнинг ақлига шиъа йўналиши келиши бунга мисол бўлади.

Тарихий шароит ва вазият таъсирида диннинг этнолокал шакллари пайдо бўлиши ва ривожланиши этносларнинг урф-одатларига таъсир этган. Сўзимизнинг исботи сифатида дурузларни ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Дурузлар шиаликда вужудга келган фирқа (диний гуруҳ). Асосан, Ливанда ва Сурияда яшайди. Уларнинг қарашлари исмоилийлар қарашларига яқин. Фирқа фотимийлар халифаси Ҳаким (996-1021 й. ҳукмронлик қилган) даврида пайдо бўлган. Ҳаким умрининг охирида ўзини худо деб эълон қилган ва ўзига эътиқод қилишни талаб этган. У сирли равишда ўлгач, Ливан ва Антиливан тоғларида яшовчи халқлар унга худо деб эътиқод қила бошлаган. Дуруз номи халифа Ҳакимнинг тарғиботчиларидан бўлган Ништегин Дарозий (1019 й. в.э.) исми билан боғлиқ<sup>124</sup>.

Дурузлар даставвал шиаликнинг бир окими сифатида юзага келган бўлса-да, ижтимоий, тарихий ва сиёсий жараёнлар натижасида у шу номдаги халқнинг этнонимига айланиб қолди. Бугун мазкур дин вакили шу миллат вакили ҳам ҳисобланади.

<sup>121</sup> Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни / “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. - Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003. 10 ж. 282 Б.

<sup>122</sup> Қаранг: Козлов В.И. Народность// Народы России. Энциклопедия. Москва: Научное изд-во «Большая Российская энциклопедия», 1994. С 458

<sup>123</sup> Қаранг: Мўминов А, Йўлдошхўжаев Ҳ, Раҳимжонов Д, Комилов М, Абдусатторов А, Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. –Тошкент: Меҳнат, 2004. 16 Б.

<sup>124</sup> Қаранг: З.Ҳусниддинов таҳрири остида. Ислом. Энциклопедия. -Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2004. 74.Б

Дурузлар ўз акидаларини бошқа миллат вакиллари тугул, хатто ўз фарзандларига ҳам қирқ ёшга етмагунча ўргатмайдилар.

Шу ўринда шиалик таъсиридаги ҳиндистондаги этнокал гуруҳ ҳақида тўхталиб ўтсак. “Ислонда ҳуқуқ” китобида берилган маълумотга кўра, Оғохоннинг издошлари бўлмиш ҳиндистонлик хўжалар ўз имомларини “мавлоно ҳозир имом”, яъни, “ғойиб бўлмаган имом”,- деб атайдилар. Улар бундан ҳам чуқур кетиб, “Пир Садриддин” таълмоти асосида ўз имомларини ҳинд мазҳаблари таъсирида Вишну, яъни, инсон қиёфасига кириб ерга келган Худо, деб эълон қилдилар.

Инсоният тарихида VII аср ислон динининг пайдо бўлиши ва дунёнинг кўпгина гўшалари — Яқин, Ўрта, Узоқ Шарқ, шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё ҳамда Африканинг талай мамлакатларига тарқалиш даври бўлди.

Ислон динининг Жануби — Шарқий Осиё давлатари халқларига таъсири кай даражада бўлганлигини кўриб чиқадиган бўлсак. Ўрганиш Ислон дини Хитой халқининг миллий анъаналарига ҳам ўз навбатида таъсир қилганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан: Агар айтайлик, хитой мусулмонларининг исмлари Муҳаммад, Мусо ёки Маъсуд бўлса, улар асл исмларини хитой тилига мослаб Мо, Мей ва Му деб, Ҳасан, Ҳусан ёки Саид бўлса- Ҳа, Ҳу ва Сей деб атаганлар<sup>125</sup>.

Дунёнинг йирик диний эътиқодлари тажрибасидан малумки, ҳар бир дин ўз сарҳадидан ташқари чиққанидан кейин ундаги мавжуд маданий-маърифий унсурлар янги маҳаллий шароитга асосан икки хил сифатда фаолият кўрсатган: “ўзлашувчи”, “ўзлаштирувчи”.

Масалан, ислоннинг Ҳинд ярим оролига кириб келганидан кейинги фаолиятига эътибор берсак, айрим илмий нашрлардан унинг ерлик халқларнинг ўзига хос маиший, ижтимоий анъаналари таъсирида янги жиҳатларни “ўзлаштирган”лигининг гувоҳи бўламиз:

<sup>125</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”, 2010. 522 б.

“Ҳиндистонлик мусулмонларнинг маънавияти, урф-одатлари ва хатто улар эътиқод қиладиган ислом ҳам ўзига хос чизгилари билан Миср, Туркия, Эрон мусулмонлариникидан ажралиб туради”<sup>126</sup>.

Шу ўринда ислом динини Ҳиндистонга кириб келиши ва уни маҳаллий халқ ҳаётига қай даражада таъсир этганлигини ҳам кўриб чиқсак. Ҳинд халқига ислом динининг таъсирини бу миллатнинг кўп йиллар давомида эътиқод қилиб келган ва жамиятининг асосий негизини ташкил этган каста тизимига таъсиридагина кўриб билишимиз мумкин.

Ҳинд теологларининг таъкидлашича, табақа тизими жамиятда бўлиб турадиган ўғрилиқ, зўровонлик, ноҳақлик, тажавузкорлик ёки маънавий бузуклик сингари иллатларнинг олдини олиш ва уларни ўз вақтида бартараф этишнинг энг яхши кафолати. Табақа қонунлари бошқалар учун қанчалик инсонпарварлик ғояларига зид кўринмасин, “ҳинд халқининг отаси” Маҳатма Ганди фикрича, “Варнашрама умуман инсон зоти табиатига хос хусусият бўлиб, уни фақат индуизм айлантирган холос.....”<sup>127</sup>.

Юқоридаги маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, каста тизими ҳинд жамиятида жуда муҳим саналади. Лекин айрим илмий тадқиқотларда ҳиндларнинг исломга киришига асосий сабаб қилиб қуйидаги қулай шароитлар кўрсатилган: янги эътиқоддаги ҳинд мусулмонларининг ақлий, жисмоний фаолияти, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, мансаб-мартабада чекланмасликлари, оғир ва машаққатли, айниқса, чиқиндиларни тозалаш каби ишларни бажаришга мажбур этилмасликлари, умуман, табақа тизимидан фориғ бўлишликлари. Бундан ташқари, юқорида зикр этилганидек, ислом тажрибасидаги мавжуд, яъни аслида турли эътиқод ва миллатлардан бўлган мусулмонларда ўз ўтмиш маросимларининг миллий хусусият сифатида сақланиб қолиш ҳоллари Ҳиндистонда ҳам ўзгармади. Ислом тасарруфидаги мамлакатларда қўлланилган бу диний сиёсатнинг тарихда ўзини оқлаганлигига мисоллар етарли<sup>128</sup>. Масалан, шулардан бири,

<sup>126</sup> Қаранг: Бобурнома. 2-қисм (Порсо Шамсиева ва Содик Мирзаевлар нашрга таёрлаган).-Тошкент: “Ўзбекистон”, 1949. 215.б.

<sup>127</sup> Қаранг: Ўша китоб, 33.б.

<sup>128</sup> Қаранг: Н.Ф.Низомиддинов. Жанубий, Жанубий-Шарқий Осиё диний фалсафий тиблимотлари ва ислом.-Тошкент: “Зар қалам”, 2006. 111 б.

Ўрта Осиё халқлари ҳаётида оташпарастлик давридан қолган тўй ва шодиёналарда гулхан атрофида эзгу ниятлар билан айланиб, дуолар ўқиш каби удумларининг ҳамон бардавомлиги, ёки “ҳолий”, “дивалий” каби ҳинд миллий-анъанавий байрамларида ерлик мусулмонларнинг иштирок этиши ва хоказо. Балки, шунданми ёки ўзга обектив сабабларданми, “Ҳиндистонлик мусулмонларнинг маънавияти, урф-одатлари ва ҳатто улар эътиқод қиладиган ислом ҳам ўзига хос чизгилари билан Миср, Туркия, Эрон мусулмонлариникидан ажралиб туради”<sup>129</sup>.

Ислом динидаги мазҳабларнинг тарқалишини оладиган бўлсак, уларнинг тарқалишига ҳам этник омилларнинг таъсири бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Шаъроний ўзининг “Мезон ал-кубро” асарида мазҳабларнинг тарқалишида этник жиҳатларни баён қилиб берган. Уларни бирма-бир кўриб чиқсак мақсадга мувофиқ бўларди.

Имом Молик мазҳаби бу Мадина урф-одати шароитидан келиб чиққан. Мадинада асосан иккита кўчманчи қабила яшаган ва кўчманчиларга ҳос бўлган қадирятларга содиқлик ҳисси мавжуд бўлган. Мадина шаҳри савдосотик марказига айлангандан кейин ўз навбатида шаҳар аҳолиси ҳам ўтроқлаша бошлайди. Бу эса моликий мазҳабининг ўтроқ аҳолига мос хусусиятларга эга бўлмаганлиги учун Мадина шаҳрига сиғмай қолади. Шундан кейин моликий мазҳаби Шимолий Африка ўлкаларида тарқалади ва ҳозирги кунгача моликий мазҳабига амал қилиниб келинмоқда.

Ханбалий мазҳаби ҳам кўчманчи арабларга ҳос хусусият, нафақат арабларга, балки деярли барча кўчманчи қабилаларга ҳос бўлган ёдлаб қолиш яъни хотира кучли бўлган. Кўчманчи араблар катта катта шеър ва дostonларни ёдлаб авлоддан авлодга оғзаки тарзда ўтказиб келишган. Бунга мисол тариқасида бизнинг юртимиздаги Сурхандарё ва Қашқадарё воҳаларидаги бахшиларни келтиришимиз мумкин.

Иккинчи хусусияти эса кўчманчи қабилаларда уруғ аймақчилик кучли бўлган ва бу нарса арабларда ҳам мавжуд бўлган. Бундай халқларда янгиликка интилмаслик ва ҳар бир нарсани ўзгаришсиз ўз ҳолидай сақлаб

<sup>129</sup> Қаранг: Кудрявцев. М.К. Мусулманская касты (Кас-ты Индии). -Москва: Наука, 1965. с 215.

қолиш қайфияти мавжуд бўлади. Албатта, янгиликка интилмаслик янгиликка қарши чиқишга олиб келади. Бу хусусият ҳанбалий мазҳабига ҳам сингган бўлиб, улар одатда Қуръон ва ҳадисдан бошқа нарсани далил сифатида олишмайди. Мана шу хусусиятлар арабларда бўлганлиги учун ҳанбалий мазҳаби Арабистон ярим оролида сақланиб бугинги кунгача амал қилиниб келинмоқда.

Ҳанафий мазҳабига ҳос бўлган хусусиятларга тўхталадиган бўлсак ҳанафийлик асосан маданийлашган аҳоли ўртасида кенг тарқалган. Яъни қадимдан Бобил, Шумер, Аккад ва бошқа йирик шаҳар давлатлар ҳудудида вужудга келган. Бу шаҳарлар аҳолиси нисбатан маданиятли ва дунёқараши анча ривожланган аҳоли ўртасида кенг тарқалганлигига гувоҳ бўламиз. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, мазҳабларнинг вужудга келиши ва тарқалишида миллий этник омиллар муҳим аҳамият касб этган.

Хулоса қилиб айтганда, диний омилнинг жамият ҳаётига таъсири чуқур, турли-туман, чегара билмасдир, шунга қарамай сиёсий, ижтимоий, маданий омиллар динларнинг этнолокал шакллари пайдо бўлишида муҳим аҳамият касб этади ва бу жараёнлар диннинг жамиятдаги инсонлар онги ва қалбида ўрин эгаллашида бирламчи асос ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бу битирув малакавий ишида биз икки ижтимоий феномен-яъни конфессионал ва этник жамоани қиёсий таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб ишнинг кириш қисмида қўйган эдик.

Изланиш давомида бир қатор ўтган аср ва бугунги кунимизга доир маълумотларни (статистик, тарихий, этнос ва конфессияга доир) йиғдик. Бу маълумотлар бизга диний-конфессионал жамоа ва этник жамоанинг бугунги кунда давлатларнинг ривожланишида нечоғлик муҳим роль ўйнаши борасида тўғри хулоса чиқаришимизга имкон берди.

Бутун инсоният тарихидан маълумки дин ва этник жамоа доимо бир-бирини тўлдириб келган. Бунга мисол қилиб, юқорида битирув малакавий ишида маълумотларни келтиришимиз мумкин. Буддавийлик, христианлик ва ислом динларининг бутун дунё бўйлаб тарқалиши ҳамда уларнинг жаҳон халқларининг яшаш шароити, ижтимоий аҳволи, маданияти, миллийлиги, этносларнинг ўзлигини англаш ва бошқа ҳаётнинг барча жабҳаларига таъсири баёнидан билиб олишимиз мумкинки, дин ҳар доим ҳам ҳар қачонгидек кишилик жамиятининг муҳим, ажралмас қисми бўлган ва бўлиб қолади.

Баъзи мамлакатларда дин қонундек амалда бўлган ва у этноснинг барча соҳаларида ривожланишига хаттоки, тарихий ходисаларнинг вужудга келишига ҳам ўз таъсирини кўрсатган ҳамда этник ҳаракатни юзага келишида муҳим ўрин тутган. Дин ва этноснинг бир-бири билан алоқаси турли хил кўринишда бўлади. Улардан энг асосийси этник ва конфессионал жамоани бирлаштирадиган йўлидир.

Дин ва этноснинг ўзаро боғланиш даражаси ва хусусиятини аниқлаш йўлида бу илмий ишда диннинг турли хил шакллари ёки конфессиялар билан солиштирилган.

Бу тадқиқотда биз диний-конфессия ва этник жамоа доирасидаги ўзаро энг кўп алоқалар даражасини ёки хусусиятини аниқ исботлашни шарт қилиб қўймадик. Балки, нисбий жиҳатдан олиб таҳмин қилдик. Илмий иш нуқтаи назаридан қараганда, диннинг бутун дунё халқлари орасида тарқалиши,

уларнинг ривожланиши ёки бўлмаса йўқ бўлиб кетишига кўрсатган таъсири кабилар шубҳасиз кишида қизиқиш уйғотади.

Типологик жиҳатдан таҳлил қилсак диннинг дунё халқлари маданияти ва урф-одати билан алоқасидан келиб чиқиб илмий жиҳатдан динни уч асосий турга бўлишимиз мумкин:

- 1) Универсал форма жаҳон динлари ҳар бирини дунё халқлари орасида тарқалиши (масалан, католик, проваслав, суннийлик, ва бошқалар);
- 2) Жаҳон динларининг миллий хилма хиллиги, аъзоларнинг кўпэтниклиги (масалан: Арманий черкови);
- 3) Миллий динлар (яхудийлик, синтоизм ва бошқалар). Бу турдагилар бир бирини тўлдириб келган.

Юқорида санаб ўтилган учта гуруҳ динларининг барчаси бугунги кунда ўзининг эътиқод қилувчиларининг ҳаётида жуда муҳим ўрин эгаллайди. Бу албатта этник ва конфессионал жамоанинг ривожланишига ўз таъсирини ўтказади.

Шу ўринда, этник ва конфессионал жамоанинг ўзаро ўхшашлик ёки фарқли жиҳатларини кўриб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлади. Бу икки жамоанинг қуйидаги умумий ва фарқли жиҳатлари мавжуд:

- 1) Маълум бир динга эътиқод қилувчи одамлар жамоаси конфессионал умумийликни ташкил қилади.
- 2) Иерархия тушунчаси этносга ва конфессионал умумийликка ҳам тегишлидир.
- 3) Этник ва конфессионал жамоа умумий ҳарактерга эга. Масалан, ўзликни англаш, маълум бир номга эга бўлиш, маданият, тарихийлик ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда конкрет тарихий шароит ва вазият таъсирида диний омил этник бирликлар шаклланишида гоҳ асосий, гоҳ иккинчи даражали аҳамият касб этган. Бунга мисол тариқасида христианликнинг ўрта асрлардаги ҳолатини келтириб ўтиш мумкин. Бу пайтда христианлик Европада шунчалик муҳим аҳамиятга эга эдики, черков деярли барча Европа қиролликларини бошқарди. Агарда бирор-бир қирол черковга қарши

чиққудек бўлса, черков унга қарши бир қатор чораларни кўрар, бунинг натижасида қироллик бошқа давлатлардан узилиб қоларди. Бу эса қиролликда яшаётган элат ва миллатларининг эртанги кунига ҳам албатта таъсир қиларди. Айнан шу каби сабаблар Германияда протестантликнинг вужудга келишига замин яратиб берди. Мартин Лютер асосий эътиборни руҳонийларни оддий халқнинг оғирини енгил қилиш ўрнига баттар ёмонлаштираётганлигига қаратти. У ҳаммани Худодан ўз гуноҳларини сўраши кераклигини таъкилади. Шундан кейин библия – инжиллар она тилига таржима қилиниб, уни ўрганиш ва шарҳлаш гуноҳ ҳисоланмайди, деб эълон қилинди. Бундан кўриниб турибдики протестантлик йўналишининг вужудга келиши Европа халқлари ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди.

Бу каби маълумотларни фақатгина христианлик дини доирасида эмас балки, буддизмнинг Японияга кириб келиши ва унинг жаҳонда миллийликка жуда катта эътибор берадиган япон жамиятига кўрсатган таъсири мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Будда таълимотининг Японияга ташрифи тарихида бирқанча ижобий ва салбий характердаги воқеаларни гувоҳи бўламиз. Шунингдек, аксарият тадқиқот хулосаларида у вақтда синтоизм буддизмга маънан тобе бўлганлиги таъкидланган. Нега деганда, ҳали "синтоизм дин сифатида тегишли босқичларни босиб ўтиб етуклик даражасига кўтарилмаган бир пайтда, буддизм Хитой ва Кореядаги ўз фаолиятида ҳатто давлатлараро муносабатларга ҳам мослашишга улгурган" эди.

Буддизм шу даражагача бордики расмий давлат маҳкамаларида будда тасвирлари қўйилиб, юзлаб ибодатхоналар қуриб битирилган, муқаддам рақобатдаги диний тасаввурлар ўрнини синтоизм ва буддизмнинг тубдан "бири иккинисига бегона эмас"лиги ва гўё у синто — синтоизм илоҳлари қайта туғилишда будда сиймосида дунёга келганлиги тарғиб қилинган<sup>130</sup>.

Шу билан бир қаторда биз хиндистонда вужудга келиб жаҳон динига айланган буддизмнинг дунё халқлари ҳаётига, маданиятига, динига ва бошқа

<sup>130</sup> Қаранг: Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). –Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”, 2010. 570 б.

ижтимоий жиҳатларига кўрсатган таъсирини ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик.

Динларнинг этник жамоага таъсири ислом дини доирасида вужудга келган бир қатор йўналишларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бунга мисол тариқасида Дурузлар, Шиалар, Али илоҳий кабиларни айтиб ўтсак бўлади.

Тарихий шароит ва вазият таъсирида диннинг этнолокал шакллари пайдо бўлиши ва ривожланиши этноснинг урф-одатларига таъсир этган. Буни юқорида айтиб ўтилган мисолида дурузлар мисолида кўрамиз.

Хулоса қилиб айтганда, диний омилнинг жамият ҳаётига таъсири чуқур, турли-туман, чегара билмасдир, шунга қарамай сиёсий, ижтимоий, маданий омиллар динларнинг этнолокал шакллари пайдо бўлишида муҳим аҳамият касб этиш билан бир қаторда диннинг жамиятдаги инсонлар онги ва калбидан ўрин эгаллашида бирламчи асос бўлиб хизмат қилади. Бу каби изланишларни давом эттириш бугунги кун диншунослари олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

## **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

### **Махсус адабиётлар:**

1. И. Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2000.
2. И. Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. -Тошкент.: Маънавият, 2008.

### **Ўзбек тилидаги адабиётлар:**

3. А.Очилдиев, Ж.Нажмиддинов. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга юз жавоб). -Тошкент.: “Тошкент ислом университети”, 2009.
4. А.Аширов, Ш. Атаджанов. Этнология (ўқув кўлланма). -Тошкент.: “Медиянашр”, 2007.
5. Бобурнома. 2-қисм (Порсо Шамсиева ва Содик Мирзаевлар нашрга таёрлаган). -Тошкент.: “Ўзбекистон”, 1949.
6. Ислом энциклопедияси З.Хусниддинов таҳрири остида. -Тошкент.: Давлат илмий нашриёти, 2004.
7. Мўминов А. Йўлдошхўжаев, Ҳ. Раҳимжонов, Д. Комилов, М. Абдусатторов, А. Орипов, А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. -Тошкент.: Меҳнат, 2004.
8. Н.Ф.Низомиддинов. Жанубий-Шарқий Осиё диний фалсафий таълимотлари ва ислом. -Тошкент.: “Зар қалам”, 2006.
9. Н.Ф. Низомиддинов. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шавқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти (хрестоматия). -Тошкент.: “Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси”, 2010.
10. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2001.

### **Рус тилидаги адабиётлар:**

11. Амфитеатров А. Армянский вопрос // Армяне. -Ереван.: Луйс, 1991.
12. Амирьянц И. Сабии // Народы мира. Историко-этнографический справочник. -Москва.: Советская энциклопедия, 1988.

13. Альтерматт У. Этнонационализм в Европе. -Москва.: Российский гос. гуманитар. ун-т, 2000.
14. Аш-Шахрастани. Книга о религиях и сектах. Част 1. (Перевод с арабского С.М.Прозорова). -Москва.: Ислам, 1984.
15. А. П.Садохина. Этнология. Учебник для выших учебных заведений. - Москва.: Под ред Советская энциклопедия, 2000.
16. Бромлей Ю.В.Современные проблемы этнографии. Очерки теории и истории. -Москва.: Наука, 1981.
17. Бромлей Ю.В. Брошей Ю.В. Очерки теории этноса. -Москва.: Наука, 1983.
18. Виппер Р.Ю. История нового времени. -Москва.: Черо, 1999.
19. Гумилев Л.Н. Этносфера: история людей и история природы. - Москва.: Экопрос, 1993.
20. Газданова В.С. Осетины // Энциклопедия культур народов Юга России: В 9 т. Т.1 Народы Юга России. -Ростов.: Издательство СКНЦ ВШ, 2005.
21. Даль В.И. Толковый словарь живого великорусского языка. Словарей, В 4 т. Т.1. -Москва.: Гос. Изд. иностр. и нац, 1955.
22. Ермаков А.К. Культы и верования в раннем периоде японской культуры.(Синто-путь японских богов). -Санкт-Петербург.: "Гиперион", 2002.
23. Кудрявцев. М.К. Мусулманская касты (Кас-ты Индии). -Москва.: Наука, 1965.
24. Казьмина О.Е., Пучков П.И. Основы этнодемографии. Учебное пособие.-Москва.: Наука, 1994.
25. Козлов В.И, Алексеев Н.Г. Этническая общность // Большая Советская энциклопедия. -Москва.: Изд. 3-е. 30, 1978.
26. Пучков П.И. Марониты. // Религии и народы мира. Энциклопедия. «Большая Российская энциклопедия». -Москва.: Научное изд-во 1999.
27. Петренко С.П. Конфессиональная и этническая общности: философско-культурологический анализ. // Диссертация на соискание

ученой степени кандидата философских наук. -Москва.: Ростов-на-Дону, 2007.

28. Семека Е.С. Структура некоторых цейлонских ритуалов и мифов в связи с культом деревьев (Индийская культура и буддизм. -Москва.: "Наука", 1972.

29. Тишков В.А. Единство и многообразие культур // Народы и религии мира. Энциклопедия. -Москва.: «Большая Российская энциклопедия». Научное изд-во, 1999.

30. Широкогоров СМ. Этнос. Исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений. -Шанхай.: «Сибпрос», 1923.

31. Яблоков И.Н. Религиоведение. -Москва.: "Гидрарики", 2000.

#### **Ғарб тилидаги адабиётлар:**

32. Braker H. Religionsproblematik und Nationalitätspolitik. Berichte des Bundesinstituts für ostwissenschaftliche und Internationale. -Köln.: Studien, 1972.

33. Barth F. Introduction // Ethnic Groups and Boundaries: The Social Organisation of Culture Difference / Ed de F.Barth Bergen. -London.: Oslo, 1969.

34. Glaser N. Moynihan D.P. Introduction // Ethnicity: Theory and Experience /Ed.by N. Glaser, D.P. -Cambridge.: Moynihan, 1975.

#### **Интернет сайтлари:**

<http://www.libfl.ru/win/law/islamic/ook2004-1>

<http://www.nationalsecurity.ru/maps/russiaethno.htm>